

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИКА
БОШЛАГАН



Ўст

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 58—59
(2478—2479).
1992 йил
10 ИЮНЬ
ЧОРШАНБА
НАРХИ:
ОБУНАЧИГА
1 СЎМ,
СОТУВДА 2 СЎМ.

ҲАММА ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗМОҚДА

Тошкент вилояти ҳокимияти ИИБнинг шахсий таркиби пойтахт вилоятининг бир қатор туманларида селдан жабрланган аҳолига ёрдам кўрсатиш тўғрисида республиканинг барча ИИБ ходимларига қарата мурожаатнома қабул қилган эди.

Ёрдам кела бошлади. Фақат Тошкент вилояти ИИБ ходимлари ёрдам жамғармасига 50 минг сўм ўтказдилар. Жабрланган милиция ходимлари оилаларининг ҳаммасига бир ярим минг сўмдан ажратилди. Бекобод тумани ИИБнинг шахсий таркиби бир кунлик иш ҳақларини беришдан ташқари бошларига кулфат тушган хизматдошлари учун яна 10 минг сўм тўпладилар.

Вилоят ҳокимининг Бекобод туманидаги Ойбек номли шўро хўжалигида азият чеккан оилалар учун 24 та уй қуриш ташаббуси ҳам эътиборга молик. 10-ва 20-механизациялашган кўчма

колонналарининг қурувчилари ушбу ташаббусни қувватлаб, лойиҳалаштириш ишларига киришиб кетдилар. Янги шаҳар лойиҳасини қисқа муддатда тайёрлаб берган меъмор Б. Жўраев биринчи уй пойдеворининг тезлик билан кўтарилишига муҳим ҳисса қўшди.

Етмиш ёшли милиция фахрийси С. Орифхўжаевнинг даъватига туман аҳолисининг кўпчилиги қўшилиб, халқ ҳашарида фалол иштирок этдилар. Бекобод ва туманнинг бошқа жойларида шу кун 20 миллион сўмга яқин пул ишлаб топилди. Бекобод шаҳар милицияси ходимлари 11 минг сўм тўплаб, ёрдам жамғармасига ўтказдилар.

Кулфат одамларни бирлаштирди, бегараз ёрдам ва меҳр-шафқат намуналари кўрсатилди. Темир йўл ва автомобиль корхоналарининг жамоалари жабрланган туманга олиб келинадиган

ва бу ерлардан олиб кетиладиган юкларни бепул ташиб беришга қарор қилишди. Бекобод пахта заводи ёрдам жамғармасига 100 минг сўм ўтказди.

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг буйруғига биноан fav-қуллодаги шароитда моҳирона иш кўрганликлари учун йигирма нафар милиция ходими рағбатлантирилди. Жойлардаги ҳокимиятлар ҳам шундай қарорлар чиқардилар.

Қайта тиклаш ишлари бир дақиқа ҳам тўхтаётгани йўқ. Бу ерда асосан қурувчилар ишлашмоқда. Ҳозир энг муҳими, бир маромда ишлашни ташкил этиш, жабр кўрган туманларда вазиятни тўғри йўлга қўйиш учун барча чораларни кўриш лозим.

М. МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилоят ҳокимияти ИИБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат майори.

БУТУНГИ СОНДА:

2-БЕТ

Мухбирни тунаб кетишди.

3-БЕТ

Атроф сўлим боғ, соя-салқин, лекин бу ҳикоямиз чойхона ҳақида эмас...

4-БЕТ

«Йигит киши шунақа бўлади, менга деса ўнта хотин олиб беришга қурбим етади».

5-БЕТ

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

6-БЕТ

Саид Равшан. Тунги чинқирик.

7-БЕТ

Ўзингизга пардоз беринг, ўғри урмайди.

8-БЕТ

Хўш, қиморбозга жазо борми ўзи?

ЧИҚКАН ҚИЗ...

ЁКИ БИР ОИЛА ФОЖИАСИ ҲАҚИДА

«Ассалому алайкум» хурматли редакция. Ушбу мактубни ичим тўла изтироб билан ёзаялман. Мени лоақал сизлар тушунарсизлар деган умиддаман... Сизларни ҳақиқат посбонлари билиб, ёрдам берарсизлар деган умиддаман.

Мен 1983 йил 3 апрель кунин Поп туманидан Чуст тумани Қизилтепа қишлоғида истиқомат қилувчи Тўраев Акрамхонга турмушга чиқдим. Дастлабки ойлардан оқ уша хонадондагиларнинг хоҳишига қараб, мажбуран далада ишлай бошладим... (хат таҳрирсиз берилмоқда).

Яна бир оила ажралишга юз тутипти. Хатини шу еригача ўқидиму шундай хулосага келдим. «Болалари бордир шу бахтиқароларнинг ҳам», — деган уй кўнглимга келди. Ва кўз олдимда тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан бир-бирларини ҳақоратлаётган юзлар кўринди. Бир вақтлар бахтдан масрур юзлар, энди эса нигоҳлар қатида нафрат тўлиб қолган. Ўртада чирқиллаб йиғлаётган, бу дунёга адашиб келиб қолган бегуноҳ норасидалар.

Таҳриятларга келаётган аксарият хатларда «Сўнгги умидим сизлардан» деган жумлаларни ўқиймиз. Ваҳоланки, одатда бу умид сароб бўлади. Муаллифининг ўзи ҳам бунинг сезади, бироқ «Чинқаман жондан умид» қабилида иш тутати. Ана шу фикрларим билан мен хат ёзмалик керак, деган тушунчадан мутлақо йироқман.

«... Ҳозир чўкиш арафасидаман. Чўкмаслик учун қандай катта тўпларга осилиб кўрдим, лекин фойда си бўлмади. Нима демоқчи эканимни тушунарсизми, одамлар? Ахир мени ҳам аёл туққан-ку, мен ҳам сеvimли ёр эдим-ку, энди кўчада хорман-хор! Бир кун эрим: «Мен бошқа аёл билан яшайман, уйдан кет» — деди... Жанжал кўтариб, мени уриб, уйдан чиқиб кетди. Бундай жан-

жалларни у авваллари ҳам жуда кўп қиларди. Ўша пайтларда қўлидаги пичоқ, болта ёки биронга қурол билан мени урмоқчи бўлиб югурарди. Лекин ота-онаси ўғлига сираям насиҳат қилишмасди. Қайтанга: «Келин, кўчага чиқиб бировга айтманг», — дейишарди...

Кейинги вақтларда, итайсизми-йўқми, оилаларнинг бузиллиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги, ўсмирларнинг жиноят кўчасига кириб кетаётганлиги, фоҳиша, ўғрилор сонин кун сайин ортаётганлиги ҳақида кўп ўқиймиз, эшитамиз, кўрамыз. Чўқур мулоҳаза юритадиган бўлсак, буларнинг бари маънавий инқирозимизнинг оқибатидир.

Ҳадиси Шарифда шундай сўзлар битилган:

У қандай эрки, хотинини қўлини ургандек уриб, сўнг кечаси яна у билан бирга ётади!

Мен оилани кичик давлатга менгзайман. Шу кичик давлатнинг катта вазифалари, муаммолари бор. Ҳар бир давлатнинг подшоҳи, вазирин бўлади. Ўзининг оқиллиги, донолиги билан вазир — хотин, керак пайтларда подшоҳи бўлиши эрига маслаҳатлар беради. Қачонки улар иттифоқ, меҳр-мурувватли бўлишса, бир-бирларига иттиқлик тақдир деб аталмиш йўллари билан ёритиб турса, паҳоҳлардаги фарзандлари ҳам одобли, хушхуш, доно бўлиб вояга етадилар. Қачонки ишонч, самимият, ҳурмат барқарор бўлмас экан, давлатнинг сир-асрори кўчага чиқаверади. Фарзандлар аросат ботқоғига ботиб кетаядилар. Ва бунинг якуни — инқироздир.

«... Қайнотам колхоз томонидан бериладиган ойлик маошнинг олаверди. Ҳатто фарзандларимга аталган нафақа пулларини олишга ҳам ҳуқуқим йўқ эди.

Бизларга 1985 йили саккиз сотих участка беришди. Қайнотам ҳар ойда мени номинга бериладиган

пулларга уй қуриш учун ёғоч, шифер, эшик, дераза олиб қўярди. Ўста ёллаш пайтида эса иккинчи фарзандимга ҳомиладор бўлдим. Қўлим билан гувала қўйишиб, оёғим билан лой тегийиб берганман. Янги бинога қайнотамнинг ёнларидан бир тийин ҳам кетгани йўқ. Мен бу ишларни бошимда отам йўқлиги учун, шуларин олдидан юзим ёруғ бўлсин, уйим уй бўлсин, фарзандларим яйраб юрсин, деб, яхши ниятлар билан килувдим...

Сўнгсиз алам, изтироб, пучаймон билан қоришиқ сўзларни ўқиганимда, кўз ўнгимдан беихтиёр менга таниш икки аёл ўтди. Улардан бири 60 ёшларда. Фарзандлари — уйли-жойли. Бундан тўрт йил аввал турмуш ўртоғини узлатга узатган. «Ҳали-ҳануз эримнинг вафот этганига ишонамайман. Гарчанд нотўғри, бузуқ уй бўлсада, худо-йим-ей, ундан кейин қўлиб бир йилгина яйраб яшармиканман, деб кечалари йиғлаб чиқардим», — деган. Тўғрироқ, гапиринишга хушлари бўлмасада, сурбетлик қилиб сўраб билиб олганман. Яна шунини биламанки, эри (худо раҳмат килсин), ҳар кун ичиб келиб жанжал, тўполон қилсада, ҳеч қаерга шикоят қилмаган.

Қишлоқда қўшни аёллар бир вақтлар йиғилишиб олиб гурунглашарди. Биз — қизчалар чой дамлаб бериб, гап ўйирлардик. Иттифоқо бир кун улардан бири ҳасрат қилиб қолди: «Эрим сал...» Хотинлар қулишди ва бири юпатиб: «Қўйинг, қуйинманг, от айланиб қозинини топади», — деб жавоб берди.

Ўтган вақтлар мобайнида кўрган-билганларим, эшитганларимдан сўнг ўша мақолга бошқача ёнпошадиган бўлдим. «От айланиб қозинини топади, қачонки қозик мустаҳкам бўлса».

«... 1986 йили чала лойсувоқ уйга қўчиб чиқдик. Бир кун қайнотам қўлимдаги чакалоғимга бериладиган 200 сўм сўмончи пулни олиб келди. Кейин у пулни мен деразага парда олиш ниятида сўрадим, балога қолдим. Қайнотам киёмат жанжал кўтариб: «Хали сен пул оладиган бўлдингми», — деб оғизга (Давоми 4-бетда).

ШАҲАРДА ЎҚ ОВОЗЛАРИ

Ер юзи миш-мишларга тўла. Мана охиригиларидан бири: тошкентлик милиция ходимлари ҳеч бир гуноҳи йўқ одамларга ўқ отаётганмишлар, қурбонлар ҳам бор эмиш. Масалага аниқлик киритиш учун шаҳар ички ишлар бошқармасига қўнғироқ қилиб, матбуот гуруҳининг ходими милиция капитани В. Горрдан қуйидагича жавоб олдик. Хўш, гап нима ҳақда бормоқда?

1 июнь кунин Собир Раҳимов туманининг халқ судида республика Жиноят кодекси 126-моддасининг 3-қисми бўйича айбланаётган уч кишининг жиноий иши кўрилатётган эди. Суд ҳукми эълон қилингандан сўнг жиноятчиларнинг қариндош-уруғлари тўполон кўтариб, норозилик билдира бошладилар, суд аъзолари ҳамда соқчиларга нисбатан қўполлик қилдилар. Қонунга қарши бу ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун соқчилар батальони бўлинмасининг командири осмонга қарата ўқ отишга мажбур бўлди. Шу заҳотиёқ Собир Раҳимов туманининг ички ишлар бўлимига хабар қилинди. У ердан етиб келган милиция ходимлари тез

орада тартиб ўрнатдилар.

2 июнь ярим тунда Чилонзор тумани ички ишлар бўлимидаги 3-марказлаштирилган қўриқлаш пулти Олмазор кўчасидаги «Спорт моллари» дўконига кимдир кирганини маълум қилди. Етиб келган милиция гуруҳи дўкон ойнасини синдириб ичкарига кирган. номаълум шахсни кўрди. Милиция ходимларини пайқаган киши қўлидаги темир т.ёқ билан ойна эшикни синдириб, кўчага отилди. Уни қувиб кетаётган милиция ходими ўша темир билан уриб, қуролини олмоқчи бўлди, аммо урдасидан чиқолмади. Вазиятни ўзича баҳолашга улгурган жиноятчи қочиб беркинишга ҳаракат қилди. Осмонга узилган олти (!) огоҳлантирувчи ўқдан сўнг, тунги ўғри қочиб кетиши аниқ бўлгачгина милиция гуруҳининг бошлиғи мўлжалга олиб отишга мажбур бўлди. Ўқ теккан жиноятчи шу ернинг ўзида жон берди. Шахсий қуролдан фойдаланилганлиги муносабати билан хизмат тергови кетмоқда. Аммо барча далиллар ушбу ҳолда қуролдан қонуний фойдаланилганидан далолат бериб турибди.

ҚОРОВУЛ

Норқобил Ҳамроев Қарши механизациялашган кўчма колоннасида қоровул бўлиб ишловчи дўсти Бойназар Ашқоровнинг олдига келди. Икковлон 361 метр газмол турган хона эшигини темир билан

синдириб очинди. Иш дўндирилгач, Норқобил ўзи билан келтирган ароқни очди. Ичинди. Қоровулхонадан ўмарилган молни кўтариб йўлга тушаркан, Норқобил дўстига 50 сўм узатди. У эса пулни чўнтағига солдию эшикни қулфлаб, пинакка кетди.

М. ИСРОИЛОВА.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

МОЛ ЎҒРИСИ КИМ?

Шу йил 15 май кунин Бахитли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ешанов хонадонидан 2 бош қорамол ўғирланган.

Қўрилган оператив тадбирлар натижасида Чимбой тумани фуқароларидан бири гумондор сифатида ушланди. Ҳозир тергов кетяпти.

ЗАҲАРЛАНИШ

18 май кунин соат ўндан ўттиз дақиқа ўтганда Орол-бўйи темир йўли сантехниклари — 29 ёшли А. Қурбонниёзов ва 34 ёшли С. Бобоевлар фожеали ҳалок бўлишди. Улар канализация қудуғини тозалаётганда, заҳарланишган.

Ҳозир бу иш билан Хўжайли тумани ИИБ шуғулланмоқда.

ТЕЛЕВИЗОР ГУМ БЎЛДИ

Нукус шаҳридаги Дзержинский кўчасида жойлашган 89-уйдан «Рассвет-140» белгили телевизор бирданига ва ўз-ўзидан йўқ бўлди. Унинг эгаси А. Кумашевнинг ичига чироқ ёқса ёримади. Милиция ходимлари эса 14 май кунин рўй берган бу воқеада «Маданият» жамоа хўжалигида яшовчи бир фуқаронинг қўли бор, деб ҳисоблашяпти.

Пардагул ЎТЕГЕНОВА,
милиция кичик лейтенанти.

СУРХОНДАРЁ

Сариосиё туманининг Дашнобод давлат хўжалигидаги вино пункти ҳудудида турган иккита цистерна «ориқлади». Яқинда шу пунктга бир бало қилиб кириб олган ўғирлар цистерналарнинг қопқоғини яна бир бало қилиб очишган ва умумий қиймати 500 минг сўмлик вино ҳамда спиртни «сипқорганлар».

Жарқўрғон жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи М. Холиқовнинг «Москвич»и ноғироилар қаторига қўшилди. 17 майга ўтар кечаси номаълум шахслар автомашинанинг битта гилдираги ва олд оймасини ўмариб кетишган.

Ўтказилаётган «Қора дорин» тадбири вилоятда жуда кўплаб «тажрибали» деҳқонлар борлигини кўрсатмоқда. Калинин жамоа хўжалигида яшовчи 77 ёшли отахон С. Мамадиёров, Узун ўрамида истиқомат қилувчилар Б. Ғуломов, Ш. Каримов, А. Нисковский, К. Отабоев, А. Сандова, Сурхондарё давлат хўжалигининг 3-бўлимида рўзгор тебратаетган О. Муқимова каби юрдошларимиз ҳовлисида етиштириш таъқиқланган ўсимлик — кўкнори топилиди. Юқорида номлари зикр этилган «деҳқонлар» қонуний огоҳлантирилди, маҳсулотлари эса йўқ қилинди.

9 май кунин Калинин жамоа хўжалигидаги «Табассум» болалар богчасидан икки дона кондиционер ўғирланган эди. Ўғри топилиди. Болажонларга муътадил ҳавони лозим кўрмаган шахснинг ўзи ҳали суяги қотмаган йигитча экан.

Эшмамат ХУДОЙШУКУРОВ,
милиция лейтенанти.

ЖИЗЗАХ

ҚИММАТГА ТУШДИ

Туман ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлимаси ходимлари милиция катта сержанти Ғайрат Иброҳимов ҳамда милиция кичик сержанти Баҳодир Султоновлар бозорга киришиб, сигарета сотаётган Карим Қурбонбоевни ушлашга мажбур бўлишди. К. Қурбонбоевга ҳар бир кўти «Родопин», «Стюардесса» сигареталарини 20 сўмдан пуллаётганда тумшугидан илинганидан кўра, ҳуқуқ посбонларини ноҳақ ҳақоратлаши қимматга тушди. Шу кунин халқ суди унга 300 сўм жарима солди.

ҚУРУҚ ҚАЙТМАДИ

Ҳозир нима кўп — савдогар. Иномжон Ботиров Олтинкўлдан қуруқ қайтмади. 830 сўмга «Восход 3-М» белгили мотоциклини олиб қайтди. Унинг харидори кўп эканми, ҳар қалай шу хўжаликда яшовчи Бахтиёр Мухаммадиевга 1300 сўмга сотди-қўйди. Нақд 470 сўм фойдаси билан. Аммо участка вакили сезмаганида яхши бўлармиди чоғи. Нақд фойда томоғидан ўтмай қолди. Ҳозир текширув ишлари олиб боришмоқда.

ЗУРАВОН

Шу йил 16 март кунин туман марказидаги «Ҳақиқат» кўчасида истиқомат қилувчи Сайдали Пардаев ИИБга ариза берди. Аризада шундай дейилган: «Мени Камол Бўтаев (1966 йилда туғилган, тракторчи бўлиб ишлайди) ноҳақдан дўппослади. Ҳозир марказий касалхонада даволанаяпман. Бирон чора кўришларингизни сўрайман». Зўравон кўлга олинди. Тергов ишлари олиб бориляпти.

ЛАЙЛАКУЯДАГИ ТЕКШИРУВ

Лайлакуя қишлоғидаги озик-овқат дўконига Мирзаали Эшметов мудирлик қилади. Бу ерда текширув ўтказилганда жами 4000 сўмлик озик-овқат маҳсулотлари яшириб қўйилгани аниқланди.

Илҳом ТОҒАЙ ўғли,
Зомин тумани.

ВИЖДОНИ БОРМИКАН?!

Шу йилнинг 7 мартида «Тошкент-Термиз» йўлида жойлашган ДАН 142-кўчма поштида «МАЗ-5423» белгили 74-85 РЯМ рақамли юк машинасини тўхтатишди. Маълум бўлишича, рязанлик «ишбилармон»лар 13 тоннаю 750 кило пиезани ноқонуний йўл билан олиб кетишган экан.

Китобдан нима олиш мумкин? Ишончим комилки, уйлаб-нетиб ўтирмай: «Маънавий озуқа-да», — деб жавоб қиласиз.

Нафсиламбрини айтганда тўғрикуя, аммо моддий озуқа оладиганлар ҳам бор экан Тошкентдай шаҳри асимда.

22 февраль кунин эди. Р. Машарипова «Тошкитобсавдо» идорасига қарашли 2-дўконга кириб келди. Токчаларда терилиб турган тур-

нуний йўл билан олиб кетишган экан.

9 март кунин тўхтатилган «МАЗ-54323» белгили 73-79 РЯО рақамли юк машинасига 4 тонна ерёнгоқ, бир тонна майиз ортилган экан.

«КАМАЗ-5511» белгили 21-31 КЗМ рақамли юк ма-

АДАШИБ КЕТГАНМИШ

фа китобларни олдин роса титкилаб кўрди. Сўнгра «Мухаммад пайғамбар ҳадислари» (8 сўм), «Ўзбек тилини ўрганамиз» (75 тийин), «Шерлок Холмс ҳақида ёзмалар» (15 сўм), «Аэропорт» (12 сўм) номли асарлардан бир донадан саралаб олди. Сотувчи Х. Йўлдошевага 50 сўм узатди.

Сотувчи эса «Одам гав-

шинасини бошқариб бораётган қозғиштонликлар 10 тонна кимёвий ўғитини ноқонуний расмийлаштириб олиб кетишганларида ДАН 142-кўчма пошти ходимлари томонидан тўхтатилди.

Юртимиз, халқимиз бойликларини мўмай пул эвазига бегоналарга сотиб юбораётганларининг виждони қийналимасмикан-а?!

жум бўлгани учун» ўз фойдасига «адашиб» кетди, 10 сўм қайтим бериб, 4 сўм 25 тийин ортиқча ҳақ олиб қолди.

Кейин нима бўлди, деб сўрасиз? Нима бўларди, Шайхонтоҳур (Октябрь) тумани халқ суди бу «адашиб»ни ўз мажлисида муҳокама этди ва сотувчига 400 сўм жарима солди.

БИЯ ЎҒРИЛАРИ

Абдусамат ва Рўзमतлар гапни бир жойга қўйиб, «Красногорск» — Тошкент йўлига чиқишди. Атрофга аланг-жаланг кўз югуртириб боришарди. Мана, ниҳоят ўтлаб юрган ёлғиз биани

кўришдию таққа тўхтадилар. Авайлаб тизгинини қўлга олдиларда, етаклаб, йўлга тушилиди. Бир неча қадам ташлашган ҳамоноқ, қаердан эгаси келиб қолса бўладими? Бақир-чақир. «Уш-

ла-ушла!» бошланди.

Хуллас, ишни эпложмаган икки ўғрига Охангарон тумани халқ судининг ҳукми билан 3 йил қамоқ жазоси белгиланиб, ҳукм ижроси 2 йилга мечиктирилди.

М. ҲАКИМОВ.

КИРДИЮ, ЧИҚДИ

Сирдарёлик Х. Примов 20 май кунин темирйўлнинг Сирдарё шохбекатида ишловчи таниши Файзиевнинг олдига «Урал» велосипедида келган эди. У Файзиевнинг хонасидан икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас қайтиб чиқсаки, «шайтонарава»си йўқ. Мол эгасининг минг қараганию ўғрининг бир, деганлари шу бўлса керак.

ҲАМДАРДМИЗ, ҲАМКАСБИ

16 май кунин Тошкент-Бухоро поездига кетаётган «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг мухбири Д. Аҳмедов йўл сумкасининг йўқолганини сезиб қолди. Сумкада унинг «Никон», «Киев-4А» фотоаппаратлари, шайлаб қўйилган 5 дона фотокассета, икки дона фотоплёнка, иккита ёзув дафтарчаси, асбоб-анжомлар йиғмаси, сочиқ ва шляпаси бор эди.

МАКТАБДА КҮРИК

Қизилтепа туманидаги Ғардиён қишлоқ Кенгаши ҳудудида Бобур номли ўрта мактаб бор. Кунин кеча мактаб ўйингоҳида «Милициянинг ёш дўстлари» мавзусида кўрик ўтказилди. Ушбу анжуман қатнашчилари бўлиш Мукимий, Эштўхта Сачоқов, Бобур номли мактаблар ўқувчилари олдига турли шартлар қўйилди.

Улар турнирда гавда тортиш, мерганлик, 100 метрга югуриш, ўн беш дақиқалик бадий кўриниш тайёрлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда бошланғич ҳуқуқ асослари доирасидаги саволларга жавоб беришлари керак эди.

Мазкур баҳс давомида Бобур номли мактабдан М. Абдусатторов, А. Каримова, Н. Очилов, Н. Отамуродов, О. Сатторов, Ш. Иброҳимова, Х. Сандовлар, Мукимий номли мактабдан М. Исмаилов, О. Урокова, М. Номозова, Н. Ҳалимовлар, Эштўхта Сачоқов номли мактабдан Б. Ортиқова, Н. Шариповлар ўз командалари шайини ҳимоя қилдилар.

Кўрик ҳаёти аъзолари бир овоздан Бобур номли мактаб ўқувчиларини ғолиб деб топди.

С. ЭҒАМОВ.

ОСМОН УЗОҚ. МОСКВА ҲАМ

15 май кунин Москвадан Самарқандга 685-рейс-билан учиб келган тошкентлик З. Маликова юкларини олаётганда ранги оқаринқиради. Чунки унинг хўжалик сумкасига жойланган 11 минг сўмлик буюмлари исиз йўқолган эди.

СУВҚОҒОЗНИНГ

ЭГАСИ ХУРСАНД

16 май кунин фарғоналик У. Тошматов Тошкент темир йўлининг шимолий шохбекатида сувқоғозга жойланган 800 сўмлик буюмларини ўғирлатиб қўйди. Ўғри тўрт соатдан сўнг ушланди. У Зангиота туманида яшовчи 21 ёшли йигит экан.

Эркин САЙФИДДИН ўғли.

УЛАР ҲАМИША СЕРГАК

Тун. Фақат «ишга» чиққан жиноятчи-унсурлару навбатчилида турган милиция ходимларигина бедор.

Соат миллари 24 га яқинлашмоқда. Атроф жимжит. Мирзо Уллубек тумани ИИБ ДАНБ ИПХ взвод командири милиция катта лейтенанти Р. Назиров, катта инспектор милиция кичик лейтенанти И. Маҳкамбоев, инспектор милиция сержанти Қ. Жўраев ва кичик сержанти Р. Юнусхўжаевлар постларида сергак.

— Ҳавонинг ёқимлилигини, Мунча яхши-я!

— Шундай тунда қаерлардир муттаҳамлар юрганига ишонинг келмайди-а!

Рустамжон гапини тугатар-тугатмас атрофни ёритиб келаётган чироқлар кўринди. У катта тезликда елиб борарди. Ходимлар тўхта-тишга ишора қилганида, машина ҳайдовчилари парво қилмай ўтиб кетишди.

ДАНБ ходимлари изга тушдилар. Уйларнинг биқнида таниш машина кўринди. Ҳайдовчи ўриндида, шериги йўқ эди. Улар аста яқинлашдилар. Бунин пайқаган ҳайдовчи қочишга уринди. Ҳамроҳи эса аллақачон жуфтанин ростлаган экан. Улов кўздан кечирилди. Топилган узунлиги бир метр бўлган темир қайчи энг пишиқ дарвозаларни ҳам латадай қийиб ташларди. Номаълум киши ўзини танитишдан бош тортди. Туман ИИБга келтирилди. Тинтув ўтказилганда унинг ёнидан наша чиқди.

Терговолди сўроқларида ўғрилик қилиш учун мазкур даҳага келганликларини тани олди. Маълум бўлишича у муқаддам бир неча бор судланган, бироқ эски ҳунари хумор қилаётган экан.

Начора, бу ёғини тергов ва суд ҳал қилади эди.

М. ИБРОҲИМОВА.

Хизматларда

ЖК

БАДНИЯТ ЧАЛА ҚОЛДИ

Иссиқ сув насос станцияси атрофидаги темир панжарага боғлаб қўйилган Олег тинмай типирчилайди. Ён-атрофга умид билан боқади. Қани бирон бир киши ўтса. «Босқинчилар қайтиб келиб ўлдириб кетишса-я», деган фикр уни янада даҳшатга солади. Қўрқув сабаб оёқ-қўлини ечишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилади.

Олег панжарага боғланганича тура турсин, уни шу қўлга солганлар ҳақида эшитинг. Машинани қўлга киритган йигитлар Қўйлик томон елиб кетишди. Рулни Камолиддин бошқарарди. Қидириш бошлангунига қадар режалаштирган бир қанча ишларини тугатиб улгуришлари керак эди. Йўлда кетишаркан, яна бир бор ҳар қим ўз вазифасига аниқлик киритди. Агарда иш силлиқ амалга ошса, машина «гасини» ҳеч ким ечиб юбормасе, уловни топширишадимию,

«хайр-хуш».

Машина қоронғиликни кесиб катта тезликда учиб бормоқда. Шу пайт бир нарсга қаттиқ тарақлаб кетди. Улов силкиниб, тўхтаб қолди. Шишаларнинг чил-чил овози эшитилди. Кимдир олд ойнасидан ўчиб, йўлга думалади. Фалокатни кўрган йўловчилардан бири автомашинасини тўхтатганида, уларнинг ҳаммаси беҳуш эдилар. У аввало Камолиддинга ёрдам кўрсатди. Ўзига келган Камолиддин ҳалоскорига ялина бошлади.

— Оғайни, илтимос бизларни уйимизга элтиб қўйсангиз. Булар менинг дўстларим. Уйдагиларнинг ўзлари «тез ёрдам» чақиришар.

Шундай қилиб Д. Султонов, Ш. Ҳазметов, А. Жўрабековлар ўз уйларида ҳушига келдилар.

Бу вақтда панжарага боғлаб кетилган Олег қўл-оёғини бўшатиб ИИБга етиб борган эди.

Қибрай тумани ИИБ ходимлари зудлик билан машинани қидиришга киришдилар.

Тун яримлаганда пачоқланган «Жигули» топилди. Уриндикдаги, йўлдаги қон излари жиноятчилар тан жароҳати олганлигидан дарак беради. Демак вақтни ўтказмай касалхоналар текширилмоғи керак. Автоҳалокат содир бўлган вақт — соат 22—24 лар оралиғида шифохоналарга тиббий ёрдам сўраб кимлар мурожаат қилган, ёки келтирилган — аниқлаш даркор. Бироқ касалхоналарни текшириш ҳеч қандай натижа бермади.

Яраси газак олиб, оғриқ тинмай азоб бера бошлаганича Камолиддин касалхонага боришга мажбур бўлди. Бу вақтда орадан тўрт кун ўтганди. У орқали жиний гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам қўлга олиндилар.

Қибрай тумани халқ суди босқинчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 127-2, 209-2,3 ва 208-1 моддалари билан изоҳлаб, турли мuddатга озодликдан махрум этди.

М. ИБРОҲИМОВА.

ИСНОД

Бешариқ тумани марказида қўлингўрилсин чойхона бор. Атрофи сўлим боғ, соя-салқин. Аммо бу ҳикоямиз чойхона ҳақида эмас.

Уша жойда яқинда оппоқ соқоли кўксини беркитган нуронийларнинг ўзаро суҳбати диққатини тортди.

— Уста, ўтган йили Яккатутда бир гуруҳ ўғрилари мелиса ушлаганди. Тақдирини нима бўлди шунинг? — деб сўради улардан бири пилёдаги чойни ҳўриллатиб ичганча.

Иккинчи отахоннинг бояги хушқайфияти бузилди, қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. «Э, ушаларни!» — деб сўкиндию ёнидан шишачасини чиқариб, кафтини тўлдириб нос тўкди, кейин оғзини каппа очиб, тилининг остига ташлади.

— Қадимгилар битта тирақи подани булғайди, деб бежиз айтишмаган, ака! Суд бўлиб, улар қилмишларига яраша жазосини олишди, аммо иснодидан биз қўтилмаяпмизда.

Тунов кунни Қўқонга боргандим. Бекатда аптобус кутиб ўтирсам, битта юк машина келиб тўхтади. «Қаерга борасиз, ота?» — деб сўради шопир бола. «Яккатутга олиб кет, ўғлим!» — десам, «Ўғрилари қиш лоғидан экансизда, бўлмайди!» — дедию эшигини қарсиллатиб ёпганча жўнаворди. Ер ёрилмадию ерга кириб кетмадим...

Агар масалага юзаки қарайдиган бўлсак, ўша ҳайдовчи отаси тенги одамга бағоят ҳурматсизлик кўрсатган.

Келинг, фурсатдан фойдаланиб, икки қария суҳбатига мавзу бўлган воқеани айтиб берай.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида яккатутлик Тўлқин Ҳасанов ва Аҳмад Норматовлар гапни битта қилишди. Тун ярмидан оққанда, қишлоқ хўжалик машина-созлиги заводига девор ошиб ўтишди. Иш вақтида деворга яқин жойга келтириб қўйилган «Ф-40» ҳажмидаги 28 донга қувурни ўмармоқчи эдилар. «Операция»ни амалга ошираётганларида, муниципал милиционер Зойржон Умрзоқов келиб қолдию режа чала қолди.

Тўғрисиини айтганда, улар тутган жойини «кесадиған»лар хилидан эдилар. Шу боис қоровул Абдулла Норқўзиев билан тил топишди. Қарабсизки, уларнинг наздида «олам гулистон». Узунлиги тўрт метрдан бўлган 30 донга қувурни беҳадик олиб чиқиб кетишди ва яккатутлик Вали Абдуназаровга 960 сўмга пуллашди.

960 сўм дегани уларнинг ҳакалак отиб турган нафларини қондиrolмади, албатта. 12 декабрга ўтар кечаси синашта бўлиб қолган қоровулга юз сўм тутқазиб, тилини «соқов», кўзини «кўр» қилиб қўйишди. Кейин отасининг чорбоғида юргандек эмин-эркинлик билан 130 донга қувурни Кабир Абдуллаевнинг тракторига ортишди. Текин «бойлик»ни Тўлқиннинг акаси Маъруфнинг уйига яшириб қўйишди.

Аслида-ку, аввалги қувурларни Вали Абдуназаров атиги 960 сўмга — сув текинга олганди. Унинг ўрнида бошқа биров бўлганида, эҳтимол бу омаддан дўпписини осмонга отарди. Аммо Валининг кўнгли ҳижил бўлди. Билдики, қувурлар ўғрилланган. Агар шу ишни ўзи қилганида, ўша 960 сўм ёнига қолган бўларди.

У ҳам ўзига муносиб

шериклар ахтара бошлади. Ҳозирги замонда ҳамма нарсга тақчил бўлгани рост, аммо текин деса думини ҳода қилиб чопадиганлар бисёр.

Бахтиёр Жўраев ҳамда Шавкат Таваккаловлар Валининг таклифни жон-жон деб қабул қилдилар. Ниҳоят учовлон 12 декабрга ўтар кечаси машинасозлик заводига тушишди. Омборда тимирскисини юрганларида... бошқа ўғрилари гуруҳига дуч келишди. Бу ўрида икки-та мақолни келтириш ҳам ортиқчалик қилмайди. «Кўр кўрни қоронғида топади» ёки «Гадонинг душмани гадо бўлади».

Ғала-ғовурни эшитган «зийрак» қоровул дарҳол етиб келди. Тунги қўланкаларнинг ҳаммасига эмас, «янги ўғрилари»га дарҳол чиқиб кетишни буюрди. Акс ҳолда милицияга хабар қилишни юрак ютиб писанда қилди.

Анча-мунчага чўзилган можародан кейин милицияга хабар қилишнинг ҳожати қолмади. Табиийки, милициядан қоровул ҳам, ўғрилари ҳам қўрқиншарди. Шу боис ўзаро «битим»га келишди.

Биз-ку уларнинг орасида бўлмаганмиз, аммо тасаввур қиламизки, ўша пайтда қуйидаги гап-сўзлар ўтган.

— Ўғри бўл, инсоф билан бўл-да. Бирор қор-қол юз бермасидан жўнаб қолинглар! — деб талаб қилган қоровул.

Вали бўйин товлаган. — Булар қолиб, бизлар кетамизми? — деган, Тўлқин ва Аҳмадларга ишора қилиб.

Қоровул ёш жиҳатдан ҳам, тажриба жиҳатдан ҳам улардан каттароқ эмасми, муросанинг йўлини қидирган.

— Энди, ука, менга ҳамманг ҳам бир. Аммо булар билан аввалроқ келишиб қўйгандик. Ҳе, қўй, энди, озгина кутсанг, осмон узлиб ерга тушмас, 14, 15 декабрь кунлари сменада бўламан.

Яхши гапга илон инидан чиқаркан. Келишилди. Кабооб ҳам куймади, сик ҳам. Вали ва унинг ҳамтовоқлари келишилган кунни яна заводга боришди. Қоровулга 150 сўм пул ҳамда бир шиша ароқ бериб, оғзини «мойлашди». Кейин узунлиги тўрт метрлик 93 донга қувурни Расул Болтабеовнинг тракторига юклашди. Бу сафар ишлари ҳамирдан қил суғургандек осон кўчди.

Аммо қинғир ишнинг қийини чиқди. Туман халқ суди қаллоблар қилишини атрофлича муҳокама қилиб, Тўлқин Ҳасановни ЖМнинг 114-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмига биноан уч йил қамоқ жазосига тортди. Аҳмад Норматов, Вали Абдуназаров, Бахтиёр Жўраев, Шавкат Таваккалов, Абдулла Норқўзиевлар уч йилдан мажбурий хизматга жалб этилдилар...

— Шунақа гаплар, — деди бояги отахон оғзидаги носни туфлаб ташларкан. — Ҳақ жойида қарор топди. Аммо боя айтганимдек, юк машина шопири «Ўғрилари қишлоғидан экансизда!» — деб кетиб қолгач, яна аламдан босар-тусаримни билмай қолдим. Қани энди иложи топилсаю, жазосини олган бўлсада, ўша қаллобларни ҳассам билан мириқиб дўппосласам...

Ҳа, исноднинг умри узун бўларкан.

Салоҳиддин МИРЗАМИДДИНОВ.

Бешариқ тумани ИИБ ЖК операвакили, милиция катта лейтенанти.

ППХ

САМАРҚАНД
ҚАДИМИЙ ШАҲАР

Қадимий шаҳар Самарқандда ким кўп — сайёҳ кўп, томошага келган кўп. Уларнинг ичда эса тез-тез адашиб турадиганлари ҳам кўп. Уларга тўғри йўлни кўрсатиб туриш, умуман шаҳар тинчлигини сақлаш юки асосан ППХ ходимлари зиммасидадир.

СУРАТЛАРДА: Самарқанд шаҳар ИИБ ППХ алоҳида ротаси командири ўринбосари милиция капитани Илҳомбой Тоҳиров (ўнгда) ҳайдовчи, милиция сержанти Равшан Зарипов ва бўлиниа командири милиция катта сержанти В. Каримовларга навбатдаги ишларни тушунтирмоқда;

Сиеб тумани ППХ ходимлари саёҳатчилар билан. Саъдулло БОБО олган сураатлар.

ДАН

ШОШМАНГ

Авваллари 10 сўм бўлган ароқнинг нархи бозор муносабатлари шарофати билан 100 сўмга етди. Кам даромадлилар энди бунни ким ҳам ичарди, дейишлари мумкин. Лекин ичадиган одам нархига қарамас экан. Нархи ҳам, маст бўлгач йўқотиладиган обрў-эътибор ҳам ичувчини қизиқтирмаскан. Бўлмаса тузуккина ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрган С. Кравченко 28 апрель кунни тўйгунча «тортармиди»? Устига устак ўзига бириктирилган 62-90 ТНЛ рақамли «ЗИЛ» белгили юк машинасини бошқариб, йўл четидида бетон устунга бориб урилармиди? Яхшиямки ёлғиз ўзи экан.

Давлат рақами йўқ «Ява-350» мото-

циклини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб бораётган Валерий Ренфельднинг ҳам кайфи тароқ эди: У рўпарасидан келаётган автобус билан тўқнашиб, оғир тан жароҳатлари олди. Натижада касалхонага етмаёқ дунёдан кўз юмди.

Ҳар икки воқеада ҳам улов эгаси маст бўлган. Шуниси қизиқки, ҳеч ким ароқни бахтсизлик тилаб ичмайди. Бироқ ачинарлиси, яхши ниятлар билан кўтарилган қадах оқибатда нохуш оқибатларга сабаб бўлади.

Шундай экан, қўлда тутган оғуни сипқоришдан олдин бир зум ўйлаб кўринг, шу ичаётганингиз ҳақиқатдан ҳам ниятларингиз амалга ошишига хизмат қиладими?

Рамзиддин МУҲИДДИНОВ,

Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими, милиция катта лейтенанти.

(Ушбу мақоланинг қалам ҳақини рўзнома фондига ўтказишингизни сўрайман).

Ҳайдовчилик гувоҳнома-сига илова қилиб бериладиган талонни тарқатиш билан кўпчилик ДАН ходимлари айна кунларда банд. Хоразм вилоятида ҳам бу ишлар қизғин. Улар йирик-йирик автокорхоналарга бориб, уша жойининг ўзидаёқ талонларни тарқатишмоқда.

СУРАТДА: Янгинариқ тумани ИИБ ходими милиция капитани Отаназар Эгамбердиев шу ердаги 67-автокорхона ҳайдовчиларига талон ҳақида тушунча бермоқда. Саъдулло БОБО олган сураат.



Бор гап шу

(Боши 1-бетда).

олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди, қўлидаги таёғи билан мени калтаклай бошлади. 1989 йили февраль ойида қайнотамдан ҳам, эримдан ҳам калтак еб, юзимдан жароҳатланиб, онамникига кетиб қолдим. Орадан икки ойча ўтиб, суд аралашувидан сўнг яна бирга яшаб кетдик...

Оилавий келишмовчиликларнинг аксарият қисми арзимас майда-чуйда гапдан бошланади. Бора-бора майда-чуйдалар меҳр-оқибатга, ишончга дарз етказа бошлайди. Бизларнинг узоқни ўйлаётганимиз натижасида булар муқаддас саналган оилани емираверди. Бундай ҳолатлар, айниқса, қишлоқ жойларида кўп-кўп учрайди. «Деди-деди»га қўл бўлиб қолишимиз асосида келажакни бой бериб қўямиз.

Ҳаёт зиддият, курашлардан иборат. Қачонки аниқ мақсадни (бу ерда ҳеч кимга озор бермайдиган мақсад кўзда тутилган) қўлаб иш қилинмаса, ҳолимизга маймун туғул бошқалар ҳам йиғлаши турган гап.

Юқоридаги мисраларни ўқияман-у, ўйлайман: наҳотки шу даражада майдалашиб кетган бўлсак?

Солияхоннинг собиқ қайнотаси Султон Тўраевнинг ўз қўли билан ёзган тушунтириш хатидан келтирмоқчиман:

«Илгари келин бўлмиш, яъни қизимдек кўрган келиним Тўраева Солияхон кейинчалик ҳар хил қилиқлар чиқара бошлади. Бир болали бўлганидан кейин уйига тез-тез кетиб қоладиган бўлиб қолди. Эрига ҳурмат у ёқда тургани, қайнона-қайнотани ҳурмат қилишни унутди. Биринчи боладан кейин аразлаб уйига кетиб қолди. Ҳурматини қилиб қайтариб келдик...

Лекин учинчи боладан кейин — 1991 йилда тез-тез уйига кетиб қолиши бошқа томонга айланиб, жанжал чиқаришга одатланди... Бир куни эса: «Мен кўчимга келдим», — деб уйдаги нарсаларни олиб кетди...

Қайси оилавий суд жараёни олиб қарамак, бугунги кунда рақиб саналган иккала томон ҳам бир-бирининг устидан истаганча «мағзава» тўқади. Бир-бирининг қадр-қимматини шунчалар ерга уришадик, асти қўйверасиз. Ҳозиргача кечириб келган бахтли лаҳзаларини унуттишади. Ўтказган кунлари учун худога шукур қилишни ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Оқ-қорани таниган қуда-андалар бир-бирларига табассум-ла: «Келин-қўллуқ бўлсин», «Куёв муборак бўлсин» — деб айтишган сўзларини, келин-куёв эса ҳаёга, шодликка қоришиб, бу дунёнинг ёлгон кунларини унуттишади. Юракларни орзиқтирувчи «ёр-ёр» садоси остида бир-бир қадам босиб, чимилдиққа кирган кунларини унуттишади. Чундай товланиб турган уйга кириб, қалблари ҳаяжондан тошган кунларини унуттишади. Тўйдан кейинги «сиз-сиз»лашларни, довуччага бошқоронғу пайтларни, илк бора дунё юзини кўрган гўдагини бағрига меҳрла босган ондаги ширин энтикишларни унуттишади. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, деб еру кўкни яратган Тангрига шукур қилишда унуттишади. Ваҳоланки, дунёни тутуб турувчи, инсонга куч-қувват ато қилувчи, шундоғам чор-атроф қийинчиликка тўла

шароитда барча чарчоқларни олиб, жонга битмас-туганмас ҳузур-ҳаловат бахшида этувчи ўша кунлардир. Ҳаммамиз ҳар қадамда бир-биримизнинг тирноғимиз остида кир қидирамиз. Бўлар-бўлмасга бир-биримизга қора чаплаймиз. Айб излаймиз ва ундан «туя» ясаймиз. Буларнинг бари ўзимизни ўта даражада яхши кўришимиздан. Ҳеч нимадан, ҳеч кимдан ўққмаслигимиздан. Андишасизлигимиздан.

Одатда ўқувчиға ўқитувчи «Ҳеч нимани билмайсан», деб ҳар кун гапирарверса, у ўзининг ҳеч нима билмаслигига ўзи ҳам ишонади, ҳафсаласи пир бўлади, ўқишга рағбати сусаяди. Тарбияни бу йўсинда олиб-бормаслик лозим. Турмуш ҳам шундай. Инжиқлигимиз, бағри торлигимиз билан ундан айб қидираверсак, турмуш турмуш бўладими? Мен ҳозирги кунда ажралиш арафасида турган эр-хотинларга бир-икки оғиз сўз айтишни лозим топдим. Ўйланг, чуқурроқ ўйланг. Ҳаётингизнинг бахтли лаҳзалари кўп-ку. Йўқ, дейсизми? Ҳеч-да! Жиллақурса ёнингиздаги фарзандингизнинг кўзларига тикилиб қаранг. Топасиз, ўша кунларни.

ши депутати Ибрагимов Алихон акага, ҳамда маҳалла қўмиталарига ниҳоятда қийналиб кетганлигим сабабли... мурожаат қилдим...

Солияхоннинг собиқ қайнотаси ҳақиқатдан ҳам «Ўнта хотин олиб беришга қурбим етади», — деган сўзни айтганми-йўқми — бу ҳақда бир сўз деёлмайман. Ростдан ҳам айтган бўлса, кўпни кўрган одам сифатида, оқ-қорани, яхши-ёмонни таниган киши сифатида яхши йўл тутмапти. Солияхонни эса ёрдам сўраб юқорида номлари зикр этилган кишиларга мурожаат қилганлиги учун айб-ламоқчи ҳам эмасман. У ҳам руҳан, ҳам моддий жиҳатдан қийналганлиги учун шу ишга қўл урган. Аммо нима бўлганда ҳам уйдаги гап кўчага чиққан. Иккинчидан, у ҳам ҳаммага бирдек берилган тарбиянинг аччиқ меваси.

«... Учинчи фарзандимга ҳомиладорлик пайтида, 1991 йил март ойида турмуш ўртоғим яна уриб уйдан ҳайдади. Икки ой онамникида турдим. Яна янги чақалоқлик бўлди, аммо ҳеч ким хабар олмай. Ўша 4 май кунни кўлимда 20 кунлик гўдагим билан онам яна уйимизга олиб бориб қўйдилар...

ғи гафтиш) қилмоқчи эмасман. Бироқ, одатда шунақанги «кенг жамоатчилик орасида», «қишлоқ кенгаши»даги муҳокамалардан сўнг иш судга ўтади. Секинлик билан оиланинг нурашини кўраверамиз.

«... 1991 йил 8 апрель кунини турмуш ўртоғим Акрамхон кўчадан кеч соат саккизлар чамаси авзойи бузуқ ҳолатда кириб келди-ю, қўлида пичоқ билан менга ташланди. Қўрқувдан ўзимга ёпишиб, чирқиб йиғлаётган фарзандларимни ҳимоя қилиб, унинг қўлига осидим. Эрим пичоқни икки марта менга қарата отди, бошимни эса бир неча марта ерга урди. Кейин нима бўлганини билмайман...

Шундан сўнг можаро яна каттариб бораверди. Солияхон Акрамхон устидан шикоят қилиб, Чуст тумани ИИБ бошлиғи номига ариза ёзади. Аризани кўриб чиқиш участка вакили милиция катта лейтенанти А. Сўфидиновга топширилди. Унинг маълумотномасида қуйидаги жумлалар бор:

«... Аризани олган кунимдан бошлаб суриштирув ишларини бошладим. Тўраева С. даволанаётган Чуст шаҳар марказий касалхонасининг травматология бў-

оилани ҳам учратмоқ мумкин эмас. Ҳар бир кишининг ўзига хос яхши ва ёмон томони бўлиши шубҳасиз. Одатда ёмон, яхши деб баҳо беришнинг ўзи нисбий. Фақат бунга қандай қарашга боғлиқ.

Кексаларимизнинг гапи бор: «Эринг суйди — элинг суйди» деган. Эрга суюкли хотин бўлишнинг йўллари ҳам билиш лозим. Ҳатто суюклигингиздан келадиган барча озорларга (бу ерда калтак ейиш назарда тутилмапти. Шу даражага бормаслик учун ҳам ҳаракат лозим) чидаш керак. Шод кунларда ҳам ўзликни сақлай билиш лозим. Қисқаси меъёрни, ҳурматни (оилада асосий роль ўйнайди) сақлаш зарур. Йўқса...

Суд мажлисида судланувчи Тўраев Акрамхон айбига қисман иқроор бўлиб: «8 апрель 1991 йил кунини ишдан уйга келиб ўтирганимда, жабрланувчи олдимга келиб, арзимаган баҳоналар билан бақириб жанжал қилди, лекин нидамасдан ўтиравердим. Кейин оёғини стол устига қўйиб ўтириб олди ва мени қаердан келган бўлсанг ўша ерга кет, деб ҳақоратлаб, яна қўйиб ўтираверди. Мен пичоқ урганим йўқ, бирор ерда тилиб олгандир. Ўзини устимга ташлаб, дод солиб бақирди», — деб кўргазма берди.

Сўралган жабрланувчи Тўраева Солияхон: «7 апрель кунини уйимга бориб кечкурун қайтиб келсам, судланувчи: «Нима учун бординг?» — деб мен билан жанжаллашди. Овқатга чақирсам, бу ерни ҳаром овқатини емайман, деб чиқмай, уйда телевизор кўриб ўтираверди. Ўғлим дарс қилмоқчи эди. Отаси телевизорни овозини баландлатиб қўйиб олгани учун, уни пасайтиришни айтганимда яна уришиб кетди. Уйга келмайсану, нима учун болаларни қийнайсиз, десам мени урди...

(Чуст тумани халқ судининг қароридан). Ҳа, дастлабки майда-чуйдалар Акрамхон Тўраевнинг ЖМнинг 91-моддаси 1-қисмига асосан айбдор деб топилганлиги билан якун топди. У бир йил муддатга, ахлоқ тузатиш ишига жалб қилиниб, жазони ўз иш жойида ўтайдиган, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат фойдасига ўтказадиган бўлди.

Солияхоннинг хатига қайтасак: «Эрим билан орамиздаги адолатсизликни очийди (ҳаддан зиёд ожизланган сўзлар), вақтинча бўлса ҳам квартира олишда (аниқ мақсад) ёрдам берарсиз деган умидда...» йўлланган.

Афсуски, бу ишни бизлар ҳал қилиб беролмаймиз. Суд ишни қайта кўриб, ажралиш ҳақида ҳукм чиқаргандан сўнг эр-хотинга мол-мулк бўлиб берилади. Келинг, чуқурроқ ўйлайлик биргаликда. Тўп-ланган тушунтириш хатлари, маълумотномалар, тасдиқномалар ортида қанча кишиларнинг вақтлари шамолга совурилган. Матнавий, руҳий йўқотишларга эса сўз, таъриф йўқ. Қош-қи ҳаммамиз ҳам тушунсак эди, буларнинг ўрнини ҳеч нима, ҳеч қачон боса олмаслигини. Шунда бир-биримизни эҳтиёт қилишни, авайлашни ўрганармикан?

Ҳаёт деб аталмиш буюк оқимнинг ўзи бир кунни ҳаммамизни четга бирма-бир итқитиб ташлайди. Бизлар бўлсак ўша кунларни ўзимиз яқинлаштирамиз.

Ойгул УБАЙДУЛЛА ҚИЗИ.

ЧИҚКАН ҚИЗ...

ЕКИ БИР ОИЛА ФОЖИАСИ ҲАҚИДА

Тангри Одам Атони бино қилганида зериканида кўнглини хушлаш учун еттинчи қовурғасидан Момо Ҳавонни яратган экан. Бундан чиқди, аёл бола туғиб тарбиялашдан ташқари жуфти ҳалолнинг кўнглини олиши ҳам лозимдир.

Кишининг кулгисини келтирадиган ишлар бўлар экан бу дунёда. Илгарилар эр-хотин, ота-бола ўртасида гап қочғудек бўлса, қишлоқнинг доно кексаларидан маслаҳат олиларди. Сир-сирлигича қолиб кетаверарди. Ўртадаги низо ижобий тарзда ечиларди. Энди-чи? Оилада бирор гап ўтса, маҳалла қўмитаси, хотин-қизлар кенгаши, участка милиционерни аралашади. Қолаверса, суд, рўзнома ва ойнамаларга, радио ва телевидениега ёзишади. Яқинда ўқиб қолдим. Маҳалла қўмитаси қошида «Ярашиш комиссияси» тузилибди. Бу ўта даражадаги калтабинликдан бошқа нарса эмас.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Одатда эрнинг устидан бир дунё қозғоқ қоралаб, шикоят қилиб хотин юради. Қўпчилик ўртасидаги «муҳокама»дан (агар шундай деб атайдиган бўлсак) кейин, нима, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга меҳри қайтадан тушиб қоладими? Бошқа можаро қилмаслик учун сўз беришиб, мажбуран яшаши, холос-ку. Албатта, бу вақтинча. Оилавий низо кўриб чиққанлар эса юқорида яна бир оилани инқироздан сақлаб қолдик, деб ҳисобот беришга шошилишади. Оила кўргони эса нурайверади. Солияхон ҳам худди шу йўлни тутган, назаримда.

«... Мен қайнотамга: «Ўғлингиз уйга келмаяптилар», — дедим. У киши бўлса: «Йигит киши шунақа бўлади, менга деса ўнта хотин олиб беришга қурбим етади», — деди. Шундан кейин Шўркент қишлоқ Кенгашининг раиси Ҳанифа аяга ва қотиби Ҳусанжон акага, Норхўжаев номли жамоа хўжалиги раиси Маҳмудов Жўрахон акага, Қизилтепа қишлоқ Кенга-

Ҳаҳ, онанинг кўрган кунини кўрсин. Тўққиз ой қорнида кўтариб юрган фарзандини кечалари уйқудан, кундузлари оромидан кечи-б парвариш қилсаю, емай едириб, киймай кийдириб, отасиз ўксимасин деб сеп-сўроғи билан элга қўшса-ю, фарзанд ўзидан тинчмай болаларини етаклаб, чиққан уйига кўзида ёш билан кириб келса. Она куймай, ким куйсин? Онанинг бағри тилинмай, кимнинг бағри тилинсин?

Халқда «Чиққан қиз чийдан ташқари» деган мақол бор. Бунинг маъзини эридан ажралиб, ота-онасининг, ака-укасининг, келинининг, ҳатто жияларининг қош-қовоғига қараб кун кечираётганлар (кун кечириб саналса агар) яхши билишади. Бекорга қиз бола тўй кунини туғилиб қувончлари, кулгилари, беғуборлиги тўкилган ерини — гўшасини тарк этаётганда, кексалар: «Борган жойингга тош бўлсин», — деб оқ фотиҳа беришмайди. Йиллар мобайнида ҳаёт деб аталмиш мактаб уларни шундай хулоса чиқаришга ўргатган.

Чуст туманидаги Шўркент қишлоқ Кенгаши томонидан берилган тушунтириш хатини ўқиб кўрайлик-чи:

«Кейинги икки, беш йил давомида уларнинг оилавий можароларини қишлоқ кенгашида жамоатчилик иштирокида беш-олти мартаба муҳокама қилиб яраштирилди. Лекин ора-ларида бир-бирга бўлган муносабат ёмонлашиб, ҳурматсизлик, ишончсизлик ортиб борди. Оилани тиклашга ҳар икки томоннинг ота-оналари аралашиб, шунда ҳам ишнинг ижобий ҳал бўлишига эришилмади. Охири пайтада жиноят келиб чиқиши кутилганлиги учун келинни уй-рўзгор буюмлари ажратилиб, яшаб туриш учун Поп туманига бериб юборилди».

Бу ерда қишлоқ кенгашидаги кишилар тутган йўлни муҳокама (тўғриро-

лимига бордим. Шундан сўнг турмуш ўртоғи Тўраев Акрамхон ва уларнинг қўшнилари билан суҳбатлашдим. Воқеа жойини кўздан кечириб, протоколлаштирдим. Тўраева С.нинг тан жароҳати даражасини аниқлаш учун ЖПКнинг 143-моддасига асосланиб, суд-тиббий экспертизаси тайинладим... Хулосасини олганимдан кейин ЖПКнинг 372-моддасига асосланиб, тўп-ланган материалларни Чуст ноҳияси халқ судига чора кўриш учун юборганман...

Биз — катталар ўзимизни бунчалар яхши кўрмасак. Солияхоннинг ўн бетлик шикоят мактубида, Акрамхон Тўраев, Султон Тўраев (Солияхоннинг собиқ қайнотаси)ларнинг тушунтириш хатларидан бирор сатр бўлсин, уч бегуноҳ норасида тақдир ҳақида қайғуриш йўқ. Ҳатто исмлари ҳам тилга олинмаган.

Шикоят мактубини беш мартаба ўқиб чиқдим. Тўғри, мактубда «Чиққиллаб йиғлаётган фарзандларимни ҳимоя қилиб», «Кичик қизим менга ёпишиб тинмай йиғларди», «Не кўз билан кўрайки, уйимда болаларимнинг камига ярайди деб олган қўйларим ҳамда рўзгор буюмларидан айримлари йўқ эди», «Саккиз ёшли ўғлим Рустамжон эргашиб йиғласа...», «... уч нафар болам кўзимга кўринарди» деган жумлалар бор. Бироқ булар фарзанднинг келажакни учун чуқур қайғуриш ҳисси эмас, гарчанд ўзига шундай бўлиб туюлса ҳам. Ўртадаги мол-дунё, рўзгор буюмлари талаш. Ваҳоланки, улар биринчи ўринда болаларнинг келажакни белгиламайди. Болаларнинг хушхулқ, одобли, қобил фарзанд бўлиб етишишида биринчи навбатда оқибат, ишонч, ўзаро ҳурмат, меҳр, муҳаббат зарур. Худбинлигимиз эса буларнинг барчасини, емириб ётибди.

Бу дунёда орзудаги хотини орзудаги эрни топиб бўлмагани каби орзудаги

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ички муаммоларимизни ўзиниз ҳал этишимизга тўғри келмоқда. Бунда масалани шонилмасдан, ҳар томонлама ўйлаб, эл-юрт билан маслаҳатлашиб, кўпчилик билан ўртоқлашиб иш туттиш маъқул кўринади.

Шу мақсадда рўзномамизда янги руҳи ташкил этиб, айрим этилган муаммоларни ҳал этишга сиз, азиз муштарийларимизни ҳам чорламоқчи бўлдик.

Милиция фаолиятида шу кунгача ўта сир сақланиб келаётган томонлардан бири оператив-қидирув ишлари бўлса ажаб эмас. Бу соҳанинг умумий қирраларини тор доирадаги мутахассисларгина биладилар холос. Аммо бугунги демократия ва ошкоралик даврида, ҳуқуқий дав-

лат қураётган пайтимизда, одамлар мазкур фаолият ҳақида унинг баъзи жиҳатларини енгил-елли очиб берувчи айрим мақолалар, кинофильмлардан эмас, балки расмий манбаалар орқали билишни истамолдалар. Хўш, буни ким қилиши керак? Масаланинг қайси томонларига эътибор бериш зарур? Ёки сир сирлиги-ча қолавергани маъқулми? Унда ошкоралик нима бўлади? Ёки бу милиция ишига дахлдор эмасми? Ана шунга ўхшаш кўпгина саволлар ўз ечимини кутмоқда.

Мунозарамизни ИИБ Олий мактабининг куллит бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Юрий Пулатов ўз мулоҳазалари билан бошлаб беради.

Муҳокама қилиш — сиз азизларга ҳавола.

сида янада батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқ керак. Биринчи бўлимда (умумий қондалар) оператив-қидирув тушунчаси изоҳлаб берилди. Масалан, ушбу моддани «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг оператив-қидирув фаолияти» деб номлаш маъқул. Унда мана бундай таъриф ёзилиши керак: «Ички ишлар идораларининг оператив-қидирув фаолияти фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини жиноий таъвоулардан муҳофаза этувчи давлат ҳуқуқчилиги воситасидир».

Оператив-қидирув фаолияти ошкора ва яширин оператив-қидирув тадбирларини кўриш йўли билан жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноят-процессуал ва бошқа вазифаларини амалга оширишга қаратилган. ОҚФнинг вазифаларига қуйидагича таъриф бериш лозим: «Жиноятларни ошкор қилиш, олдини олиш, тўхтатиш, уларни юзага келтирган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, жиноятлар очилиши, терговини таъминлаш, яширинган жиноятчилар ва берадар йўқолган фуқароларни излаб топиш ишларини жиноят-процессуал тадбирлар йўли билан ҳал этиш, бажариш, оператив-қидирув фао-

Оператив-қидирув тадбирларини тўхтатишга қуйидагилар асос бўлади: ушбу тадбирлардан кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифалар бажарилганлиги; оператив-қидирув тадбирлари ўтказиш учун асос бўлган маълумотларнинг тасдиқланмаганлиги; оператив-қидирув тадбирлари ўтказилишига чек қўядиган бошқа асослар (масалан, жиноятчининг вафоти, вазият ўзгариши, қилган ҳатти-ҳаракатларида ижтимоий хавфлилик хусусиятининг йўқлиги ёки унинг ўзи ижтимоий хавфли шахс эмаслиги ва ҳ.к.).

Учинчиси — «Ички ишлар идоралари оператив-қидирув фаолияти субъектларининг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси ва уларнинг масъулияти» бўлими: оператив-қидирув фаолиятида иштирок этаётганларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси оператив-қидирув фаолият субъектларининг масъулиятлари билан боғлиқ масалаларни қамраши керак.

Тўртинчи — «Ички ишлар идораларининг оператив-қидирув фаолияти устидан назорат қилиш» бўлимига қуйидаги моддаларни киритиш лозим: оператив-қидирув фаолият устидан давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органларининг назорати; оператив-қидирув фаолиятда қо-

ҚОНУН КЕРАКМИ?

Аслини олганда кўпчиликни қизиқтираётган саволлар қўйилган тақдирда ҳам, биринчидан, мавжуд кўрсатмалар оператив-қидирув ишларининг тўла моҳиятини очишга йўл қўймайди, иккинчидан, фуқаролар бу ишнинг нозик томонларини билишлари шарт эмас. Ишни эса, афтидан, оператив-қидирув фаолиятининг (ОҚФ) муҳим қисми бўлган фуқароларнинг эркинлик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига алоқадор бўлган яширин тадбирларни тартибга солишчи Қонун қабул қилишдан бошлаш мувофиқроқдир.

Бугунги кунда эса мазкур махфий фаолиятнинг қонун йўли билан мустақамланмаганлиги, ҳуқуқий нуктаи назардан қараганда, унинг бузилишига олиб келмоқда. Чунки Қонунда (ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят-судлов ишларини юргизиш асосларининг 29-моддаси, ЎзССР ЖПКнинг 98-моддаси) жиноят аломатлари ва жиноят қилган шахсларни топиш, жиноий кўринишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида дастлабки тергов муассасалари (милиция, ахлоқ тузатиш муассасаларининг бошқалари ва бошқалар) зиммасига оператив қидирув ва бошқа тадбирлар кўриш юклатилган. Аммо бу тадбирларнинг махфий хусусиятига эга эканлиги тўғрисида қонунда аниқ бир нарса дейилмаган. Шу боис бир неча ўн йилликлар давомида унинг қонуний мустақамланмаганлиги қарамай, ички ишлар идораларининг илмий ходимлари юқорида кўрсатиб ўтилган, аммо қонуний равишда қабул қилинган қондаларни асосиз (яна қонун нуктаи назаридан) қўллаш ва талқин этишга мажбур эдилар. Бу қондалар оператив-қидирув фаолиятининг катта қисmini ташкил этувчи муста-

қил яширин ишни кўзда тулади. Ўз навбатида жиноятчилик билан кураш олиб боришнинг айрим усулларини асосиз равишда махфийлаштиришга, дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан прокурор назоратининг бўш олиб борилишига, бундай фаолият устидан амалда депутатлик назоратининг йўқлигига ҳуқуқшунос олимлар билан жиноий ишларни юртувчи ходимлар ўртасидаги кераксиз баҳсларга ва бошқа салбий натижаларга олиб келади.

Ички ишлар идоралари инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, ор-номуси, кадр-қимматини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини самарали бажариш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш учун «Ички ишлар идораларининг оператив қидирув фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни»га амал қилишлари керак. Бу қонун қанчалик тез қабул қилинса, ички ишлар идораларида қайта қуриш шунчалик илдам рўй беради. Бунинг устига республикамиз томонидан расмий равишда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар Декларациясининг 12-моддасида бундай деб ёзилган:

«Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг эълон қилиниши уларни қўллашнинг мажбурий шартидир».

Газетхонларнинг кўпчилиги мана шундай қонуннинг зарурлиги тўғрисидаги фикрга қўшилсалар керак. Энди қуйидаги саволлар қўндалан бўлади: «Ички ишлар идораларининг оператив-қидирув фаолияти тўғрисидаги республика Қонуни қандай бўлиши керак? Фуқароларнинг демократик эркинликларига, дахл қилмаслик ва шу билан бир пайтда оператив ходимларга ижодий имкониятлар яратиш учун у қандай қондаларни акс эттириши лозим. Агар муфассалроқ гапирадиган

ган бўлсак, мазкур Қонунни қабул қилиш мураккаб жараён, чунки у мутлақо янги қонун бўлиб, уни яратиш учун илгари ҳеч қандай ҳаракат бўлмаган. Бир томондан у республика фуқаролари учун тамомла янги ва қизиқарли ҳужжат бўлса, иккинчи томондан, оператив ходимлар ҳайрон бўлишади. Зеро илгари «ОҚФ» (оператив-қидирув фаолият) атамасидан фақат шу тармоқ хизматчилари фойдаланишарди. Биз эса қонун назарда тутган яширин иш ҳақида гапиришимиз керак бўлади.

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Шундай қилиб, оператив-қидирув фаолиятида мақсади ҳуқуқий муҳофаза этишга қаратилган Қонун зарур. Бу эса ҳуқуқ субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий кўрсатмаларга мутаносиблиги, ОҚФнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш, жиноят аниқланган ҳолларда бузилган ҳуқуқий тартибни қайта тиклаш учун тегишли чоралар кўриш, ҳуқуқни бузганларга нисбатан давлатнинг мажбурий жазоларини қўллаш, белгиланган жазо ўталишини таъминлаш, ҳуқуқ тартибот бузилишининг олдини олувчи шарт-шароит яратиш демакдир.

Республика ИИБ оператив маҳкамалари ишида юзага келган тажрибалар эса ОҚФ ҳақидаги Қонуннинг назарий асослари бўлиб хизмат этиши лозим.

Уни 4 қисмга бўлиш таклиф этилади:

1. Умумий қондалар;
2. Ички ишлар идоралари оператив-қидирув фаолиятининг асосий йўналишлари;
3. Ички ишлар идоралари оператив-қидирув фаолияти субъектларининг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси ва уларнинг масъулияти;
4. Ички ишлар идоралари оператив-қидирув фаолияти устидан назорат ўрнатилиши.

Агар ҳар бир бўлим тўғри-

лиятининг вазифасидир».

ОҚФ асоси: қонунга амал қилиш, демократия, байналмилаллик, инсонпарварлик, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, қонунга қарши ҳатти-ҳаракатларни олдиндан кўра билишдан иборат.

«Ички ишлар идоралари оператив-қидирув фаолиятининг асосий йўналишлари» деб номланадиган II-бўлимда оператив-қидирув тадбирларини қўллаш ва уларни тўхтатиш асослари кўрсатилиши лозим. Мазкур модда алоҳида аҳамиятга моликлигини эътиборга олиб, уни қуйидаги тахрирда бериш таклиф этилади: «Қасд қилинган, тайёрланаётган, амалга оширилаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар оператив-қидирув тадбирлари кўриш учун асос бўлади».

Бу маълумотлар фуқаролар, мансабдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг мувожаатномалари, хабарларида, терговчининг топшириқлари, прокурорнинг кўрсатмалари, суд қарорларида, дастлабки тергов ва бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилиш идораларининг ҳужжатларида, ўзга ҳужжат ва манбааларда бўлиши мумкин.

йўнга амал қилиш устидан прокурор назорати, молиявий ҳамда маҳкама (ИИБ) назорати.

Ушбу фикрларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, фақат айрим билдирилган истак — тақлифларнинг хомаки нусхасидир. Лекин, агар Қонунни ишлаб чиқишда фақат Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг амалиёт ходимлари ва олимларига эмас, балки республика аҳолиси иштирок этса (шундай Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида ёки унинг лойиҳаси эълон қилингандан сўнг), у мукамалроқ бўлади. Маълумки, Қонун кишилар ҳатти-ҳаракати, фаолиятларида амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ этилиши учун чиқарилади. Қонун қондаларини амалга ошириш халқ манфаатлари ва иродасини акс эттирувчи энг юксак (идеал) ҳуқуқий намуналарини мавжуд воқелик ёки ижтимоий муносабатлар тизимига айлантириш жараёнидир. Шу сабаб фуқаролар энг аввало уни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этишлари зарур.

Ю. С. ПУЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактабининг куллит бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

КИМ ЙЎЛ ҲАҚИ ТЎЛАМАЙДИ?

би тўғрисида»ги кўрсатмада шаҳар, шаҳар атрофи ва маҳаллий уловнинг барча турлари ҳамда йўловчи транспортдан милициянинг махсус уловига эга бўлган оддий ходимлари ва офицерлари бепул фойдаланишлари кўзда тутилган. Юқоридаги имтиёзлар милициянинг махсус ўрта мактаблари талабалари ҳамда милиция олий мактаблари тингловчиларига ҳам тааллуқлидир.

Қуйидаги турларидан ҳам милиция ходимлари бепул фойдаланишлари мумкинлигини эслатиш ўринлидир:

— метро, автобус, троллейбус, трамвай ва шаҳар, ичда одам ташувчи (аҳоли йшовчи бошқа

жойларда ҳам), йўлнинг узунлигидан қатъий назар ҳар қандай транспортдан;

— шаҳар ташқарисидан бошқа аҳоли пункти ташқарисига 50 километргача йўловчилар ташувчи автобуслардан;

— шаҳар атрофида 150 километргача йўловчилар ташувчи поездлардан.

Қишлоқ жойларида йўловчилар ташувчи ёки шу ердан ўтувчи шаҳарлараро (фақат вилоят ичкарисига) автобуслардан милициянинг оддий ходимлари, офицерлари қишлоқ жойларида бепул фойдаланадилар.

Транспорт милицияси ходимлари бундан ташқари ўзлари хизмат ўтайдиган ерларда поезд-

ларда ҳам бепул юрадилар.

Автобус ёки поезддан бепул фойдаланиш учун патталарини олдиндан бронь қилиш мумкин эмаслигини милиция ходимлари билишлари керак. Агар шаҳар атрофида ишловчи автобуслардан барча ўринлар паттали йўловчилар томонидан банд қилинган бўлса, милиция ходимлари бепул юриш учун бўш жой талаб қилишга ҳақлари йўқ, шаҳарлараро автобусларда эса бўш ўрин бўлмаса умуман бепул юра олмайдилар.

Маҳаллий поездларда бепул юриш учун ўринларни темир йўл ходимлари, (проводниклар ёки поезд бошлиқлари) умумий ёки плацкартли жойлардан ажратиб берадилар.

Милициянинг оддий ходимлари ёки офицерлари форма либосида бўлмасалар хизмат гувоҳномаларини кўрсатишлари шарт.

Кейинги пайтда «Постда» рўзномаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига жумҳуриятимизнинг турли минтақаларида хизмат қилувчи милиция ходимларидан жамоат транспортдан ким бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтириб бериш сўралган кўп-лаб хатлар келмоқда. Бу масалага аниқлик киритишни сўраб биз вазирлик шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза хизмати бўлимининг махсус топшириқларни бажарув назоратчиси милиция майори В. Ф. Ладигинга мурожаат қилдик.

Ички ишлар, автомобиль транспорти, коммунал хўжалиги республика вазирликлари ҳамда Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси билан биргаликда тузилган «Транспортда милиция ходимларининг бепул юриш тарти-

Ижод

Ёзувчи Саид Равшан «Тунги чинқирик» номли саргузашт қиссасини ёзиб тугатди. Жиноятчилик оламию ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ана шундай қаллобларга қарши кураши акс эттирилган асарни «Камалак» нашриёти чоп этишга тайёрламқда.

Биз эса эътиборингизга қиссадан парча ҳавола этишга қарор қилдик.

Геркулес изни чалғитиш учун Олот қўрғонидagi темир йўл бекатига етгач, поезддан тушиб қолган эди. Бир неча кун шу ерда эски ошналарида бириникида қўноқ бўлди. Бухорода уни қидирув ишлари бироз пасайганини англагач, тезда шаҳарга қайтди. Чунки амалга ошириш учун мўлжаллаб юрган галдаги қойилмақом режаси бор эди. У Бухорони қуруқ қўл билан тарк этишни истамаётган, мақсади кўпдан пишиқ режалаштириб юрган ишни кечиктирмай тезда амалга ошириш эди. Оширди ҳам, лекин нечундир омад бу гал ундан юз ўтгирди. Операция барбод бўлди. Бироқ Сангин асосий кўзланган мақсадга эришолдими-йўқми, у ана шундан тўла воқиф эмасди, югурдаги мутлоқ қорасини кўрсатмай қўйган эди. Бунинг туб боисини Геркулес яхши англаганди. Шунга қарамай Сангиннинг агар ўлжага эга бўлгани рост бўлса, ундан умидворлиги ҳам йўқ эмас эди. Шу мақсадда «Писмиқ»нинг дарагини тезда топди.

Сангин «Атаман»нинг топшириғига кўра белгиланган жойга айтилган пайтда етиб келди. Кўзлари чақчайган Геркулеснинг авзойи бузуқ, катта қайрағочга суянганча сал чиққроқ қоринчаси устида қўлларини қовуштириб турарди.

— Келмайсанми, деб ўйлагандим, — деди у совуқ боққанча ранжиганнамо тўнгиллаб. — Якка ўзингми-сан?

— Ҳа. Геркулеснинг хавфсираш гумони тарқамади. Алдамаптимикан, деган хаёлга бориб, унга синчков тикилгач, атрофга саросимали аланглаб олди. Ўз навбатида Сангиннинг ҳам кўнглидан «Шеф одадини бузиб, ёлғиз келмагандир», — деган ўй кечди. Атрофга олазарак тикилди. «Қорахон» унинг нима хаёлга борганлигини сезгач, «Юракдан бор экан-ку», — деган маънода илжайиб:

— Қўрқма, «Писмиқ», еб қўймайман сени! — деди менсимаган оҳангда ишшайиб. «Писмиқ» лақабини Сангинга «Атаман»нинг ўзи қўйган, чунки Сангинда писмиқлик одати йўқ эмас, яна мушукдек писиб, сездирмай ҳаракат қилишга уста. Ҳар қандай қийин ишга жазм қилиб, қўл урдими, бас, эпламасдан қўймасди. Тагин темир сандиқлар қўлфларини очишда суяги йўқ эди.

— Хўп, сўйла-чи, нега қорангни кўрсатмай, мендан ўзингни обқочиб юрибсан? Нима ёмонлик кўрдинг? — Қандай юраман, бу меннинг ишим! — гулдирди Сангин. — Бир хатардан зўрга қутилдим. Лекин энди сизларга ишонмайман. Хавф туғилганда дастёрларинг мени ёлғиз ташлаб қочинди. Шу инсофданми?

— Шунга гап бўлди-ю, — деди Геркулес ижрдиғиб. — Ниятлари асло бундай бўлмаган. Вазият қанақалигини кўрибсан-ку. Илоҳи қанча эди. Лекин қойилла-тибсан, Зокир айтди, ўмарган ўлжа чакки эмас экан. — Қанақа ўлжа? — де-

ди у таажжублангандек елкасини қисиб, ҳадеганда тан олгиси йўқ эди. — Тушунтириброқ гапир-чи, шеф?

— Ўзингни кўп гўлликка солма! Бутун шаҳарда шовшув. Ўлжа кам деганда юз минг атрофда бордир?

— Мен қўтилиб қолганимга шукр қилиб юрибман, шеф, — деди «Писмиқ» жиддий. — Ҳали кўп нарсани ўғирландига чиқарган бўлишса-я?

Улар бу гал кўпдан кўз остига олиб, режалаб юрган уйни куппа-кундуз кунни тунашган эди. Бу уй яқинда хасталиги туфайли пенсияга чиққан собиқ бир судьяга қарашли эди.



Уйга Сангин ва яна бири девордан ошиб ўтишди. Дарвозани хиёл очиб қўйишди. Кейин юзларига ниқоб тортиб, қўқисдан хонага бостириб киришди. Собиқ бадқовоқ судья Зиёев ёлғиз ўзи диван-каравотда китоб мутулаа қилиб ўтирарди. Хотини, болалари ишга, ўқишга кетиб қолишган эди. Ниқобли ўғрилари бирининг қўлида яланғочланган дудам пичоқ, тар тортмай тўғри Зиёев устига бостириб келишди. Унинг кекирдагига ўтқир тиг дағдаға билан қадала бошлагач, жисми қалтироғу титроққа тушди, ширин жони кўзига азиз кўриниб кетди. «Мен хастани ўсал қилманглар», — дея ёлвориб ўтинди, шартни сўзсиз бажаришга рози бўлди. Бир неча минг сўмлик олтин заёмию асраб юрган катта миқдордаги жамғарма пулини бекитиб қўйган жойини осонгина айта қолди. Талончилар Зиёевнинг хотинию қизларига тегишли бўлган қўша-қўша олтину бриллиант зебу-зийнатларгача қочиштириб олишди. Ўзининг қўл-оёғини боғлашиб, орзига сочиқ тикишди. Ўлжани Сангин апильтанил осма сумкасига жойлаб олди.

Шу маҳал қутилмаганда бирдан ҳовлидан сас эшитилиб қолди. Сангиннинг шериги Зокир чаққон дераза ёнига бориб, ниқобини бўйнига туширди ва шошилганча ҳовлига мўралади. Милиция кийимидagi киши. «Уйдамысиз, Сайфулла ака! Дарвозангиз ҳам очик қолибди-ку!» — деганча бемалол кириб келаётганди. У қоровуллик бўлинимаси ходими, Зиёевнинг қариндоши эди.

Зокир туйқус таҳликага тушиб: «Атаман», — дедиди, эшикдан ўқдек отилиб чиқиб, ҳовлининг девор томонига қараб югурди. Бу ҳолни кўрган милиционер уйга ўғри тушганини сез-

ди ва «Тўхта, кимсан? Тўхта, деяпман сенга!» — деб қичқирганча таъқибни бошлади. Зокир бор кучи билан юқорига сакраб, баланд деворга тирмашди, бир амаллаб ундан ошди. Таъқибчи энди шитоб билан дарвоза томонга югурди. Зокир кўча бўйлаб жонжаҳди-ла қочиб борарди. Ҳақиқий қува-қув, қоча-қоч бошланди. Таъқибчи ҳарчанд югурмасин, ўғрига етиб улгуролмади. У чап бериб, нариги кўчага ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Деразадан ҳадиғу хавотир билан мўралаб, қочиб пайт пойлаб турган Сангин таъқибчининг ёлғиз эканини, ҳовлига бошқа кимса бош сукмаганини кўргач, ташқарига қараб отилди. У машина кутиб турган белгили жойга ҳалослаганча ҳориб-толиб етиб келганида, шериклари аллақачон кетиб қолишган экан.

Ҳамтовоқларининг уни ёлғиз ташлаб қочгани Сангинга жуда алам қилгач, кўнглида уларга нисбатан ишонсизлик уйғонган эди.

— Туллаклик қилиб, гап-

билишга унинг ўзида кучли майл-истак уйғониб қолган тақдирдагина, баъзи ҳолларда эса ён-вериди бораётган нотаниш одамдан хавотир олиб, шубҳаланган кезидагина ўзининг ноёб қобилиятини ишга соларди. Аввало, у шаҳар кўчаларида кўп кўриниш бермасди. «Зарба» топшириқ берган ёки ўзининг зарур юмуши чиқиб қолган ҳолдагина кўчага чиқар, иши битдими, яна тезда яшаётган маконига қайтарди.

Жасурнинг ўзидан кўнгли анчайин тўқ эди. Хавфхатар туғилиб қолган кезде ҳам у қадар чўчимасди. Чунки синашта, сирли қурили бор, истаса йўлига тўсиқ бўлган ҳар қандай рақибни бир зумда қарахт ухлатиб, тилсимотлаб, ўзи гўё ҳеч нарса кўрмагандек йўлида давом этиб кетаве-ради.

Бугун у кўнгли чоғ ҳолда кўчага чиқди. Бойси — Чоржўй шаҳрига сим қоқиб, «Зарба» билан гаплашмоқчи эди. Тутинган садоқатли акаси «Зарба» икки ҳафта олдин кетган.

қилдим-да...

Жасур худди жунжик-кандек ўтирган ерида сесканиб кетди. «Бузуқ, расво аёл экан», — деди ичида унга нисбатан нафрати ошиб ва энди диққатини ёнидаги нозиккина, очик чеҳрали келинчакка жалб этди. «Бу ҳам ана унақа бузуқ аёллар хилиданми-кан?» — дея аввалига Жасур бир қадар шубҳаланди. Келинчак кичкина сумкачасидан кўзгу олиб, юзига оро бера бошлади. Кўринишидан кўнгли чоғ, алланарсадан мамнунлиги билиниб турарди. Жасур унинг фикрларини илғай бошлади: «Газмоллар бўлимига эга бўлсам, ошғим олчи бўларди-да. Мудирим йўқ демагандай бўлди, жилмайиб туриб: «Шарти оғирроқ, рози бўлармикан-сиз», — деди. Шарти қанақалиги менга аён. У муғомбир, ўтакетган Донжуан. Кўпдан бери нияти — менга эришиш. Хўш, унинг кўнглини хушлаб, дон олишсам, бирор ерим қамайиб қолармиди? Ўйнаш кириб, ўринбосар бўлиб олган Назокатдан чироиди кам бўлмасам... Ландовур, лапашанг эрим билиб ўтириб-дими? Унга текканимга икки йил бўлди, ҳали бўйимда бўлмапти. Шояд фарзанд кўриб қолсам...»

«Манжалақил! — жаҳл билан ичида койинди Жасур. — Хотинларнинг ҳаммаси шунақамикан? Йўғ-е, бунақалар битта-яримта бўлса керак».

Жасур ҳозир ўзи воқиф бўлган бу икки аёл миясидаги бемаъни, ахлоқсиз ўй-фикрлардан азбаройи нафрати кўзиди, жирканди ва бирдан маъюсланди.

Кейин орқада аллахусус ўзаро қизгин муно-заралашиб бораётган икки йўловчи баҳсини тинглай бошлади.

— Эгизакларим кеча бирдан жиққамушт бўлиб қолди, — деди бири. — Тинчликми, деб сўрасам, арзимаган гапга иккиси жаро қилишибди. Ҳасаним, менинг номимга келган хатни Хусан очиб ўқибди, дейди-я. Хўш, хатининг бир лабини узиб емабди-ку, шунга шунчалик ур калтагу, сур калтамки, дея зўрга тинчитдим уларни.

— Арзимаган баҳона эмиш! Гапингизни қаранг-а? — деди унга жавобан менсимаган оҳангда ҳамроҳи. — Ака-укалар бир-бирларининг номига келган хатни очиб ўқишга маънавий ҳақни йўқлигига фаҳми етибди-ю, яна уларга берган ўғитингизни қаранг. Қойил-э!...

«Маънавий ҳақни йўқ! Тўғри айтаяпти, — дея кўнглидан ўтказди баҳсли суҳбатни тинглаб бораётган Жасур. — Хўш, ўзимничи? Истаган одамимнинг ичидаги сирини билиб олишга маънавий ҳақим, ҳуқуқим борми? Асло! Мен эса бундай аблаҳлиқни қилишга аллақачон мослашиб қолганман. Бировларнинг фикрини ўқиб, ниятини олдиндан билиб олишга мени жалб қилган ким ўзи? Геркулес-да. Унга ишондим. Кейинчалик кўниқиб кетдим. Мундоқ ўйлаб ҳам кўрмабман. Ўтакетган ахлоқлик, тубанлиқдан иборат экан-ку, қилиб юрган ишларим».

У руҳи қийналиб, баттар маъюсланди. Кўзларида таърифсиз изтиробга тутқун бўлганини англаувчи ифода зоҳир бўлди.

«Зарба» билан ҳам телефонда руҳсиз бир кайфиятда гаплашди. «Зарба» бугун-эрта бориб қолишлигини билдиргач, бироз кўнгли ёришди.

(Давоми келгуси сонда).

САИД РАВШАН

ТУНГИ ЧИНҚИРИК

(Қиссадан парча)

ни кўп чалғитма! Омад чопибди, бундан қувонмоқ керак! — деди Геркулес илжайиб. — Лекин шунини билки, қўлга киритган ўлжанга биз ҳам шерикмиз. Операцияни ўйлаб топган ким? Вазиятни қайта-қайта ўрганиб, билиб келган-чи? Шундай экан, тантилик қил, «Писмиқ», йўқсал..

— Ишон, шеф, — деди у дадил. — Ҳеч қандай ўма-тиш бўлмади. Бу гал айроқчинг янглишганга ўхшайди. Балки ростдан ҳам атай ўғирландига чиқариш аётгандир?..

— Бу сафсатанга мени лаққа ишонади, деб ўйлаяпсанми? — деди Геркулес шашти сўнганидан пешонаси тиришиб.

— Бил, агар гапинг ёлғон бўлиб чиқса, аяб ўтирмайман. Эртагаёқ ҳаммасини аниқ билиб оламан. Сени эса, қайси ковакда бўлмагин, барибир топиб оламан.

Геркулес тажангланиб, асабий қўл силтаганча ерга тупурди-да, шитоб юриб кетди.

Сангин хаёл суриб қолди. Агар Геркулес бор гапини билиб олса, уни соғ қўймайди. У ўғрилари удумига шак келтирган ҳисобланиб, қаттиқ зарбага учраши аниқ эди.

«Ўйлов-фикрдан фойда йўқ, — деди у кўнглида, — омон бўлсам...»

Жасур одамларнинг фикридаги гапини икки-уч қадм жойдан бемалол аниқ-тиниқ ўқий оларди. Лекин бунга эришиш осон кўчмасди. У даставвал кўзлаган одамга ўзининг бутун диққат-эътиборини қаратмоғи лозим. Шундагина мақсадга эриша оларди. Шу боис, у дуч келган одамнинг фикрини англашга кўп қизиқавермасди. Агар бирор кимса кўпроқ қизиқиш уйғота олсагина, гоҳо кимнингдир фикрини

«Кичкина»нинг у билан гаплашмаганига эса роппароса бир ҳафта бўлди. Шаҳарлараро телефон-автомат станцияси шаҳар марказида жойлашган эди. У шу йўналишда қатновчи автобуса чиқди. Йўловчилар сийрак. У ўртароқдаги бўш ўриндиққа ўрнашиб олди. Ўйда ўтиравериш, бекорчиликдан азбаройи зерикканиданми ёки анчадан бери ҳеч ким билан ҳамсухбат бўлмагани боисми, ён-теварагидagi йўловчиларга аллақандай қизиқиш билан боқди. Олдинги ўриндиқда мудроқ босиб бораётган озгин йўловчиға диққатини қаратди. Унинг фикридан дарров қуйидагиларни ўқиб олди: «Судья жуда ҳаромхўр, олғир экан. Укамнинг қамоқ муддатини беш йилга қамайтирганига нақд беш минг сўмни қуртдек санаб олди-я, ноинсоф...»

«Ташвиш, гами оғир экан бу амакининг, — дея хаёлидан ўтказди «Кичкина». — Наҳангоғиз судья ким бўлди-кан?» У яна қизиқсиниб, оғир ўй, хаёллар қамровида мудраб бораётган бояги озгин одам фикрини зиймдан эшита бошлади.

«Шунча пулгайм, бу озку, деб зўрга кўнди-я, энағар Эрматов. Майли, укажонимнинг бошидан садақа... Ҳар ҳолда муддати қамайди-ку. Энди кўтарган қарзларимни қандай қилиб узсам экан?...»

«Эрматов дегани судья бўлса керак» — кўнглидан ўтказди «Кичкина», — ўтакетган ноинсоф экан. Бечорани роса шилибди.

Энди у ён томондаги хушбичимгина ўрта ёшли аёл билан қизиқди. Аёлнинг миясидан бутунлай бошқа хаёлларни уқди: «Оҳ, жазманим қандай зўр, ҳақиқий эркак. Қучоқлаб эркалашлари, ўпич олишлари асло пияниста эримникига ўхшамайди. Роса роҳат

Таърихлардан таърихи

ПАРДОЗНИНГ
ХОСИЯТИ

Муаттар эринибгина ўрнидан турди. Сумкасини очиб, ичига кўз югуртирди. Ҳамма нарсаси жойида. Яна шундай эринчоқлик билан беркитиб йўлга тушди. Шошилиб қайга ҳам борарди. Ўша ёлғизлик аниқ турган хонасигами? Ҳеч ким уни орзиқиб кутмаса. Овунчоғи шу — иши, уйда эса телевизор.

Ниҳоят етиб борди ҳам. Газга чой қўйди. Йўқ, иш-тахаси бўғилди, яна ўчирди. Китоб ўқимоқчи бўлди. Сабри бир бетга ҳам етмади, ёниб қўя қолди. Телевизордаги кўрсатув ҳам ёқмади. Дастурга кўз югуртирди. Намунча зерикарли-а?

Ўзини ойнага солди. «Эҳ, эсдан чиқай дебди. Бугун дори қўйиш куним-ку. Аввал сочларимни бўяб олай, кейин юзим билан шуғулланаман».

Муаттар қандайдир бўт-

қасимон аралашма тайёрлаб сочларига суртди. Бошига сувқоғоз қопча кийиб, устидан рўмол ўради. Сўнгра тошойна ёнига ўтирди. Тортмадан бир неча шиша идишчаларини олиб очди. Юзларига ошпоқ қорини қилиб қилиб сурта бошлади. Қошларига, кийикларига қандайдир сап-сарик суюқлик тортди. Энди хотиржам ярим соат ётиш керак. У чироқларни ўчириб, диванга чалқанча чўзилди.

«Юзларимга оро берайман. Ажинларимни йўқотайман. Аммо табиат барибир ўз ҳукмини ўтказар экан. Ҳаётнинг давомида сенга талпиниб турган қўллар, йўлларингга интизор кўзлар бўлмаса, ҳаммаси бекор экан. Мана ўқидим, катта ишнинг бошини тутдим, бу ёғи-чи? Бу ёғи нима? Тенгдошларим бола-чақали. Мен-чи? Кимга керак менинг гўзаллигим?».

Оғир ўйлар исканжасида унинг бу ҳолда ётиши ўзига эриш туюлиб кетди.

«Э, юниб ташлайман. Ажин босса босавермайди-ми? Ҳеч кимга керак бўл-

маганингдан кейин не ҳо-жат?».

Муаттар ўрнидан турдию тош қотди. Кимдир эшикка калит солиб оҳиста бураётганди. Вужуди қулоққа айланди. Ҳа-ҳа, янгилишмаяпти!

Дахшатдан қичқириб юбораёзди. Ана, эшик очилди. Кимдир аста кириб келди. Аланглаяпти.

Муаттар дағ-дағ титраганча оёқ учидан кийим-кечак шкафига яқинлашди. Ишқилиб ғирчиллаб кетмасинда ўлгур. Хайрият, эшиги сасиз очилди. Секин ичига кириб олди. Осиглиқ турган кийимлар панасида эшикни ёпди. Бу пайтда «меҳмон» ҳам оёқ учидан ошхонага айланиб бўлган, ётоқхонага яқинлашиб келарди. У ним қоронғу хонада (афтидан кўз ўткир шекилли) бемалол нарсаларни фарқлар, ўзига кераклигини қўлидаги халтасига соларди. Тошойна тортмаларини титкилади. Сервантга томон йўналди. Бир-иккита биллур идишларни халтага жойлади. Ана, яна қўлини узатаяпти. Эҳтимол тилла суви юритилган

гулдонни олаётгандир. Ҳа, худди ўшани! Ялтираб кўзига ўтдай кўринганда ярамасининг. Тортмаларида нима бор эди-я. Ўлсин агар эслай олса.

Вой, худойим-ей, ўзинг асрагинда, ишқилиб. Ҳаммасини олиб кетса ҳам майли, шкафга яқинлашмаса бўлгани. Ана, бадбахт келаяпти. Ана!..

— А-а-а!

Ўғри тўсатдан гурсиллаб йиқилди. Дахшатга тушган Муаттар эса ўрнидан турди-ю қочди. Қандай қилиб қўшнисиникига борганини ҳам билмайди. Хуллас, милиция чақиринди.

Улар эса тез ёрдамни, Суд-тиббий экспертизаси хулосаларига қараганда, ўғри қўрқувдан юраги ёрилиб ўлибди. Ана сизга юзга оро беришининг хосияти.

М. ИБРОҲИМОВА.

КУЛГАНГА

КЕНГ ДУНЁ

Бир йигит сирдош дўстидан сўради:

— Келиннинг туғилган кунига нима совға қилдинг?

— У мендан бўйин-билакларни учун бирор нима тақдим қилишини сўради.

— Ҳм. Марварид билан билакузукка тушибсан-да?

— Менам анойилардан эмасман. Уни бир кулча атирсовун билан табриклаб қўяқолдим.

Йигит ҳамроҳига энтикиб деди:

— Эҳ, қани эди, пулларим шунчалик кўп бўлса-ю, мен унга битта самолёт сотиб олсам:

— Шошма, самолётни нима қиласан?

— Умуман, менга самолётнинг кераги йўқ. Лекин самолёт сотиб олишга етадиган пулим бўлсайди...

Т. МАҲМУДОВ,
Фарғона шаҳри.

Қ И Й Қ И М

«Ҳаммомдан ювиниб чиққач, озгинагина ичудим, ҳушёрхонага тушиб қолдим. Ай-бимга икроман. Сизларни ишонтириб айтманки, бундан буён ҳеч ҳам ҳаммомга тушмайман».

«Эшматов қаршилик кўрсата туриб, муштимга келиб урилди».

«Бу охириги ичишим, кейин даволанишга ётаман, деган қатъий қарорга келганимдан хурсанд бўлиб, қиттакимга ичгандим».

«Машина ҳайдашни биламан. Ишоти учун муқаддам икки марта судланганлигимни келтиришим мумкин. Иккаласида ҳам машина олиб қочганман».

(Тушунтириш хатларидан).

«Мени участка инспекторлиги вазифасига ўтказишингизни илтимос қиламан. Оилавий ишларим кўпайиб кетганлиги сабабли».

(Баённомадан).

«Мени ноқонуний равишда қўрган гаражимни қонунийлаштириб беришингизни сўрайман».

(Аризадан).

Тўловчи Э. САТТОРОВ.



СИНГИЛЧАМ БОР —
ҲИЛОЛАХОН, БИРАМ ШИРИН...



ИИВда болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тантанадан лавҳалар.
Сураткаш Ҳ. ШОДИЕВ.



«Постда»

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-


босари — 39-77-23, муҳ-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмахонаси,
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида,
А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

12.992 нускада чоп этилди.

Буюртма — № Г—206.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

Кейинги ўн-ўн беш йилнинг бугунда юртимизга ярама бир иллат вободек тарқалиб, илдиз отиб кетди. Бугунги кунда, айниқса қиш-бекорчилик ойларида қаерда тўртта калла бирлашса, аксарият «эрмак» қимор ўйини бўлиб қолди. Ёнг ёмони, бу ўйин ёшларни кенг қамров билан ўзига жалб этди. Охириги тўрт-беш йил давомида йўқчиликлар, қимматчилик, иқтисодий соҳадаги оқсашлар туфайли бу аҳвол кўрқинчли тусга кириб борди ва жиноятчиликнинг гурираб ўсишига ўз ҳиссасини қўшапти.

Хўш, қиморбозга жазо борми ўзи?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 2191-моддасида қимор ўйнаган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу моддага кўра агар шахс муқаддам қимор ўйнаганлиги учун маъмурий жазога тортилгандан сўнг бир йил давомида қиморхоналарда, махсус ажратилган жойларда, кўчаларда пул, буюм ва бошқа қимматбаҳо ашёларни тикиб қимор ўйинида иштирок этса, озоликдан маҳрум қилиниши ва шунга ўхшаш бошқа жазоларга тортилиши кўзда тутилган. Демак шахс бир йил давомида қимор ўйнаганлиги учун икки марта ушланса, албатта юқоридаги модда билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари шу модданинг иккинчи қисмида қиморхоналар очганлик ва сақлаганлик, қимор ўйинлари учун ўз уйдан хона ажратиш бериш, қимор ўйинини касб сифатида эгаллаб олиш ёхуд қимор ўйнаб кўп миқдорда ютиб олиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай жиноятлар учун ҳатто беш йилгача озоликдан маҳрум этиш жазоси қўлланиши мумкин.

Қимор ўйинининг ижтимоий хавфли томонларидан бири шундаки, ютқазиб қўйган шахс албатта бошқа бир қалтис ишга қўл уриш йўлига ўтади. Сўзимизнинг исботи учун бир неча мисолларни келтиришмоқчимиз, токи бу бошқаларга ибрат бўлсин.

Шаҳардаги хонадонларнинг бирида яхши ниятлар билан топилган мол-дунё сарф қилиниб, эл-юртга ош бериладиган бўлди. Тўйнинг овозаси кўпчиликка етиб борди. Тўйчилик, хурсандчилик, шодиёна ҳаммага ҳам насиб этсин, албатта. Ҳамма ҳаётда шундай орзулар билан ғам-ташвишларни енгиб, қийинчиликларга бардош бериб, чидаб, интилиб яшайди. Бироқ... хонадон эгасининг, маҳалла фаолларининг, ёши улуг кишиларнинг бироз бепарволиклари, эътиборсизликлари оқибатида бир йилнинг юзига қора чапланди. «Ўғри» деган тамға босилди. орзу-умид-

хонавайрон бўлишини аниқ. Ўшанда — баҳорнинг охири, ёзнинг бошлари эди. Қайсидир бир тўйда қимор ўйнаб бошлаганмиз. У ерда шахримизда яшовчи Исмоилжон Мирзаев билан Иброҳимжон Қодиров деган йигитлар бор эди. Аввалига беш-ўн сўмдан пул тикилаётганидан хабардорман. Кейин кўпайтиришди. Вақт кеч бўлиб қолганлиги ва кайфим тароқлиги учун ухлаб қолдиман. Кейин билсам Иброҳим ва Исмоиллар ҳар бир ошқик отишда 200-300 сўмдан тикиб ўйнашибди. Охирида Исмоил саккиз минг сўм қарздор бўлиб қолибди...

ҚИМОРБОЗГА ЖАЗО БОРМИ?

лари чил-чил синди. Ким билади, ўшанда «сабзи арчидан» кейин қиморбозларга битта уй бўш қўйиб берилмаганида бу кулфат, бу кўриқликлар юз бермаган бўлармиди.

Исмоилжон 28 ёшни қоралаган, елкасига олаҳуржун тушиб, онла, рўзгор ташвишлари ҳақида қайғуриши керак бўлган даври келса ҳам бирор муҳим касб-ҳунарнинг бошини тутмай, фойдали меҳнат билан шуғулланмай юраверди. Негадир ҳануз ёш бола каби ҳис этарди ўзини. Ана шу «ёш болалиги» ўзини ҳам, яқинларини ҳам, ҳатто етти ёт бегоналарни ҳам қаттиқ ўй-ташвишлар гирдобига олди.

Воқеанинг бош сабабчиси бўлган ҳолатни — тўйдаги қимор ўйинини Нозимжон Мамажонов исмли гувоҳ шундай эслайди: «— Тўйларда, «сабзи арчиди»ларда таниш-билишларим билан қимор ўйнаб тураман. Кўп эмас, бир-икки сўмдан, албатта. Кўп пул тикиб ўйнасанг, бир куни уйнинг куйиб

Бир томондан олганда ҳеч қаерда ишламаётган, иккинчи томондан олганда рўзгор боши бўлиб қолган Исмоил «илиниб қолган» саккиз минг сўм қарзи билан уч ой ғам-ташвиш, ўй-хаёллар исканжасида кун ўтказди. Унинг миёсини «Нима қилиш керак?», «Қандай қилса бирдан бойиб кетиш мумкин?» деган саволлар кемириб ташлади. Жавоб излай-излай, чорасини қидира-қидира охири бир жиноятга қўл урди. 22 сентябрь куни тунда, тахминан соат тўртларда Қорасув жамоа хўжалиги сут-товар фермасига келиб, олдиндан режалаштирган ғараз ниятини амалга ошира бошлади. Жамоа хўжалиги ҳисобида турувчи 4631 рақамли кўнғир тусдаги сигирни фермадан олиб чиқиб кетди. Тун эмасми, ҳамма ширин уйкуда эди. Сигирни уч-тўрт километрча олисда жойлашган «Комсомол» жамоа хўжалигининг «Маданият» участкасигача етаклаб бориб, таниши М. Мусоевнинг ҳовлисига боғлаб қўйди. Эртасига машина олиб

борганида, ўша жойда истиқомат қилувчи аёллардан бири — Тошхон Холматова сигирни кўриб қолиб, сув текинга — тўрт минг сўмга сотиб олди. Арзон гўштнинг шўрваси эса татимади. Уч кундан сўнг ўғирликни фош этган шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари воқеани ҳужжатлаштириб, сигирни далилий ашё тариқасида олиб кетишди. Алданган Тошхон Холматова эса ўғри йигитнинг уйига пулини қис-таб борган эди, эл-олдида ҳижолатда қолган Исмоилнинг ота-онаси ноқобил фарзандини қарғай-қарғай бор-йўғи 900 сўм пул беришди.

Ёки иккинчи бир мисолни олиб кўрайлик. Ўтган йилнинг ёз кунлари эди. Фуқаролар В. ҳамда Р. нинг ўрталарида катта миқдордаги қимор ўйини бўлиб ўтади. Натижада В. фуқаро Р. га 25 минг сўм миқдорида ютқазиб қўяди. Бу пулни ўз вақтида ололмаган Р. фуқаро В. нинг уйига пистолет билан кириб, оиланинг тинчлигини бузиб, ютган пулининг қолган қисmini беришини талаб қилади. Лекин бошқа шахсларнинг ҳалақит бериб қолиши туфайлигина Р. қабиҳ ниятини охирига етказа олмай қочиш яширинади. У ҳозир қидирувда.

Хулоса қилиб айтганда қиморбозларга қарши курашиш фақат прокуратура, милиция ва суднинг вазифаси бўлиб қолмай, балки кенг жамоатчиликнинг ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиб қолиши керак. Ҳаммамиз бир бўлиб уюшиб иш ташкил этсак, ўйлаймизки, шаҳарда қимор ўйинларига ҳамда қиморбозларнинг фаолиятига мутлақо чек қўйилади. Бу эса ўз навабатида ёшлар тарбиясини яхшилаш билан биргаликда кўп жиноятларнинг олдини олади, кўплаб оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлайди.

Ж. ТОҶИБОВЕВ,

Андижон вилояти Қорасув шаҳар прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос.

К. ДУСАЛИЕВ,

Қорасув шаҳар ички ишлар бўлими бош терговчиси, милиция капитани.

МУАММОЛАР МАҚТОВ

Мен «Постда»да ёритилаётган мақолаларнинг кўпчилигини бир хил қолипда кўрайман. Аксарияти мақтов. Милиционерларнинг хизмат тақозоси билан бажарадиган иши қаҳрамонликка йўйилляпти. Ҳар қандай касбда бўлган каби милиция соҳасида ҳам халқ тинчи учун яхши хизмат қилиш одатий ҳол бўлиши керак. Қониклар хизмат қилгани учун ходимни қаҳрамон сифатида таништириш, ме-нимча, рўзномага нисбатан қизиқишни сўндиради.

Демоқчиманки, «Постда»нинг оммавийлашиши учун, аввало, милиция ҳаётига ҳар томонлама назар солиш керак. Масалан, терговчи бир неча жиноий ишни муваффақиятли якун-лади. Ўша терговчининг хизмати жойида деган маънони берадими? Асло. Унинг столида ҳали бекор қилинган, тўхтатилган, жиноят иши кўзгатилмаган материаллар анчагина. Уларни сўнгги нуқтасига етказишдан кўра игна билан кудук қазиб енгилоқ.

Мен ўзим терговчи вазифасида хизмат қилаётганлигим туфайли ҳам бевосита тергов-

СОЯСИДА ҚОЛМАСИН

чиларнинг муаммолари ҳақида сўз юритапман. Зеро, азага борган ўз дардини айтиб йи-лайди.

Масалан, мен терговчининг варақ-варақ жиноий ишларни машинкада ўзи ёзишини ҳеч ҳазм қила олмайман. Ёки яна бир мисол. Терговчи юбориши лозим бўлган қақирув қоғозларини тегишли одамга ким етказадиган? Агар у почта орқали жўнатилса, қақирилувчи кишининг келиши ким томондан кафолатланган? Ахир ҳозирги замон почтаси орқали қақирув қоғози неча кунда бориши маълум-ку! Қола-верса, шундай қақирқилар бўладиган, усиз гу-мондорни қамаб ҳам, қўйиб ҳам юборолмай-сиз. Асаббўзарликнинг ўзгинаси.

Айтмоқчи бўлган гапим, рўзнома ижодкорлари ютуқларимиз ҳақида мақола ёзиш билан чекланмасдан, дардимизни ҳам тинглашса ва тегишли мутасаддиларга етказишса. Бундан милиция ҳам, рўзнома ҳам фақат манфаат кўради.

Б. ЖАЛИЛОВ,

милиция капитани.

КИМ ЧЕК ҚЎЯДИ?

Республикаимиз мустақил деб эълон қилинганига бир йил бўлиб қолди. Бугунги кундан нолимаймиз аммо тасаввуримиз бошқа эди. Мустақил бўлганимиздан кейин бундан ҳамма руҳланиб, бир ғайратига ўн ғайрат кўрсатиб ишласа керак, деб ўйлардик.

Тўғри, Ўзбекистонда милиция ходимлари ҳуқуқ-тартибот тантанаси учун кўп ишларни қилишмоқда. Аммо назаримизда Денов ҳамда Термиз шаҳарлари ИИБлари ходимлари ундай эмас. Савдо тармоқларида кўзбўя-мачиликлар, яшириб сотишлар, харидор ҳақида хиёнат қилишлар кучайгандан кучайяпти. Суд, прокуратура, милиция эса негидар жим.

Бордию йўлингиз тушиб қолса, Термиз шаҳридаги «Афгон-интурист» ҳамда



ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРАМИЗ

Милиция генерал-майори, меҳнаткаш инсон, серфикр ходим, моҳир ташкилотчи, жонкуяр ўртоқ, ҳамкасблари ва дўстларининг чуқур ҳурматини қозонган одам Николай Михайлович Золотовнинг юраги уришдан тўхтади.

У 1919 йил 20 декабрда туғилган эди. Ички ишлар хизматида ўрта, катта ва юқори бошлиқ лавозимларида ишлади, кичик лейтенантдан генерал-майор унвонигача, Қорақалпоғистон жамоат тартибини сақлаш вазири лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Николай Михайлович Золотов Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ҳаракатдаги армияга туман комсомол кўмитасининг котиби лавозимидан кетган, Москва йўналишидаги жангларда иштирок этган эди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Жасоратли учун», «Москва ҳимояси учун», «Жанговар хизматлари учун», «Олмония устидан ғалаба учун», уч-чала даражадаги «Намунали хизмати учун», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари, «ИИВнинг Хизмат кўрсатган ходими» нишони билан тақдирланган.

Тошкент, Фарғона вилоятлари ИИБда раҳбар лавозимларида, Қорақалпоғистон ички ишлар вазири бўлиб ишлаганида ўзини зукко, оператив хизматни пухта билидиган ходим сифатида кўрсатди.

1979 йилдан истеъфода чиққанлигига қарамай, меҳнат фахрийлари ишида фаол иштирок этарди, Республика ИИВ фахрийлар Кенгашига раҳбарлик қилар эди.

Николай Михайлович Золотовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий қолади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ фахрийлар Кенгаши ўртоғимизнинг вафоти муносабати билан қайғуриб, марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Сурхон» меҳмонхоналарига қадам ранжиди қилинг. Фохшабозлигу чайқовчилик тобора томир отаётганига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Қизиқ, бундай иллатларга (ахир улар миллатимиз об-рўсига пугур етказяпти!) ким чек қўяди?

М. КАБИРОВА,
С. ЧОРИЕВА,
Д. САЪДИЕВА.

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА

Шу йилнинг ўтган муддатида жумҳуриятимизда 7 мингдан ортиқ ёнғин ҳодисалари содир бўлди. Шулардан 690-тасининг келиб чиқишига бевосита болалар сабабидирлар. 6 та ёш гулдак тилсиз ёв ичиди нобуд бўлди. 75 нафар турли ёшдаги болалар тан жароҳати олишди.

11 февраль куни Нукус шаҳри 21-даҳасининг 22-уй, 44-хонасида истиқомат қилувчи С. Якушинна хонадониди ёнғини содир бўлди. Уйда икки ёш бола катталар йўқлигидан фойдала-

ЭЪТИБОРЛИРОҚ БЎЛИНГ!

ниб, ёнувчан материалларни бир жойга тўллаб ёқишган. Қўни-қўшнилари-нинг сергакликлари туфайли ёнғини ўз вақтида ўчирди. Тибиёт ходимларининг жон койитишларига қарамай, болалар нобуд бўлди.

18 февраль куни Саша Юровскийнинг гугурт ўйнаши натижасида ёнғин чиқди. Аланга уй жиҳозларини кулга айлантириб, Сашага оғир тан жароҳати етказди. Бола касалхонага етмасдан ҳаётдан кўз юмди. Бу воқеа Тошкент вилояти Бўстонлиқ ту-

манидаги Озотбош қишлоғида юз берган.

9 май куни Навоий шаҳрида жойлашган цемент заводининг ётоқхонаси ер-тўласига беш ўқувчи йиғилишиб, қаредандир портловчи модда олиб келишадиган, гулханда синаб кўрмоқчи бўлишди. Портлаш натижасида болалар оғир аҳволда касалхонага олиб келинади. Тибиёт ходимларининг зудлик билан кўрсатган ёрдамлари туфайли ҳаётлари сақлаб қолинди.

Айни кунларда мактаб ўқувчилари учун ёзги таътил бошланди. Бу даврда баъзи болакайлар оромоғоҳларга боришса, кўпчилиги таътил кунларини

бевосита уйда ўтказишади. Демак уларнинг бўш вақтлари кўп ва ҳаммиса ҳам ота-оналари ҳатти-ҳаракатларидан хабардор бўлишолмайди. Бу эса назоратдан холис қолганларнинг гугурт ва бошқа олов келиб чиқарадиган ўйинлар билан шуғулланишига имконият яратиб бериши мумкин.

Ҳурматли ота-оналар, ёнғинни ўчир-ишдан кўра унинг олдини олиш осонроқ. Шундай экан, болаларнинг олов билан ўйнашига мутлақо йўл қўймайлик!

А. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ИИВ ЕСБ муҳандиси.